

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**28-сон**  
**(112)**  
**2004 й.**  
**июль**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

319. «Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигини Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 9 июлдаги ПФ–3454-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

320. «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарори

321. «Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 июлдаги 323-сон қарори

322. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси

- фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлдаги 328-сон қарори
323. «Япония билан ҳамкорлик қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 июлдаги 333-сон қарори
324. «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг сеткасига ўтиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 июлдаги 335-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

325. «Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 10 июндаги 2004-13-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 июлда 1384-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
326. «Биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозлар билан операцияларни юритиш регламентини давлат реестридан чиқариш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2004 йил 16 майдаги 161-мх-сон буйруғи. (*2004 йил 16 июлда давлат реестридан чиқарилди*)
327. «Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларини шакллантириш, молиялаштириш ҳамда ажратилган маблағлар мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 16 июндаги 18, 85-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 июлда 1385-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
328. «Диссертация ва авторефератларни расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2004 йил 24 июндаги 106/4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 июлда 1386-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 10 июлдан 16 июлгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **319 Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигини Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонида мувофиқ ва Саноатда, газ таъминоти ҳамда кон назорати соҳасида бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш ва ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси)га айлантирилсин,

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан Саноатда ишларни бехатар олиб бориш, газ таъминоти ва ундан фойдаланиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, минерал хомашёларни қайта ишлаш ва металлургия жиҳатидан ишлов бериш, шунингдек кончиликда ишларининг геология-маркшейдерлик таъминоти бўйича қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

Саноатда ва кон назоратини таъминлаш соҳасида ишларнинг бехатар олиб борилишини олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

республика газ хўжалиги тизимида ҳамда кўп квартирали уйлар ва коммунал-маиший объектларнинг газ таъминотида хавфсизликни таъминлаш юзасидан назоратни амалга ошириш;

техник хавфсизлик ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш масалалари бўйича илмий-техник дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

иктисодиётнинг тегишли секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини таъминлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг харбийлаштирилган кон-қутқариш қисмига тезкор ва услубий раҳбарлик қилиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси қайта ташкил этилаётган Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитасини Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига айлантириш тўғрисида» 2000 йил 7 февралдаги ПФ-2535-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарор қабул қилсин.

6. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 9 июль,  
ПФ-3454-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **320** 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ–3431-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда умумий ўрта таълим тизимини тубдан яхшилаш, энг юксак, замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-моддий базасини ва таълим стандартларини шакллантириш, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда жиҳозланишидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларни ўқитиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги Ф–1910-сон фармойиши билан тузилган Махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тадбирлари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин, унда қуйидагилар назарда тутилади:

умумтаълим мактаблари биноларини ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилиш;

мактабларни замонавий ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш;

таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;

умумтаълим мактаблари спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантириш.

2. Қуйидагилар:

бузиб ташланадиган авария ҳолатидаги мактаблар ўрнига янги мактаблар қуриш, мактабларни, шу жумладан бориш қийин бўлган минтақалардаги мактабларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари 2 ва 2а-иловаларга\* мувофиқ;

умумтаълим мактабларининг спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш параметрлари 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда, ушбу қарорнинг 2-бандида тасдиқланган параметрлардан келиб чиққан ҳолда 2005—2009 йилларда умумтаъ-

---

\* 2, 2а, 3-иловалар берилмайди.

лим мактабларини тиклашнинг аниқ худудий дастурларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

Шу билан бирга, капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш даврида тикланаётган мактаблар ўқувчиларини яқинда жойлашган мактабларга ва бошқа умумтаълим муассасаларига, ўқув жараёнига зарар етказмаган ҳолда вақтинчалик ўтказишнинг аниқ жадвали ва жойлашуви ишлаб чиқилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили Инвестиция дастури лойиҳасини ва аниқ рўйхатларни шакллантиришда бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига янгидан қуриладиган, капитал реконструкция қилинадиган, капитал ва жорий таъмирланадиган умумтаълим мактаблари сонини ва рўйхатини, ишларни молиялаштириш ҳажмларини белгилаган ҳолда, аниқ кўрсатсинлар. Бунда капитал реконструкция қилинадиган, капитал ва жорий таъмирланадиган мактабларни тиклаш ишларининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш қатъиян тақиқлансин, 2-иловада кўрсатилган параметрларга қатъий риоя қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги Ф-1910-сон фармойиши билан ташкил этилган Махсус комиссияга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан тасдиқланган умумий параметрлар доирасида умумтаълим мактабларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг ҳар йили тасдиқланадиган аниқ рўйхатига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Қуйидагилар:

бузиб ташланадиган мактаб бинолари ўрнига янгиларини қуриш, мактабларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича чекланган норматив харажатларни ва намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» очиқ акциядорлик жамияти, «Ўзқишлоқлоийҳа» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда «Ўзмеъморқурилишлойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти бош институтлар этиб белгиланганлиги;

кўрсатиб ўтилган лойиҳалаш институтлари томонидан янги қурилиш учун 6 намунавий лойиҳа, капитал реконструкция қилиш учун 51 намунавий лойиҳа, капитал таъмирлаш учун харажатларнинг чекланган нормативлари кўрсатилган лойиҳа ечимларининг 10 та альбому, жорий таъмирлаш учун харажатларнинг чекланган нормативлари кўрсатилган лойиҳа ечимларининг 5 та альбому, шунингдек умумтаълим мактаблари айрим узеллари ва конструкцияларини мустаҳкамлашнинг 220 лойиҳа ечими кўрсатилган намунавий альбом ишлаб чиқилганлиги;

умумтаълим мактабларини янгидан қуриш юзасидан намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқишда ўқувчи ўринларининг чекланган сони шаҳар жойларда 945 ўрин, қишлоқ жойларда — 630 ўрин ва тоғли ҳамда узоқ минтақаларда — 160 ўрингача этиб белгиланганлиги;

мактабларни тиклаш ишларини амалга оширишда намунавий лойиҳаларга ҳамда тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя қилиниши учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасига юкланиши;

тасдиқланган намунавий лойиҳалар ва лойиҳа ечимларини аниқ шароитларга боғлашда улардан четга чиқишга фақат бош лойиҳалаш институтлари билан келишилгандан ва Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан тасдиқлангандан кейин йўл қўйилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

янги қурилган ва капитал реконструкция қилинган умумтаълим мактаблари объектларини қабул қилиш тасдиқланган сифат стандартларига ва намунавий лойиҳаларга қатъий риоя қилган ҳолда 4-иловага\* мувофиқ таркибдаги Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади;

архитектура-қурилиш назоратини амалга ошириш ваколати берилган органлар ҳулосаси бўйича аниқланган стандартлар ва намунавий лойиҳалардан четга чиқиш ҳоллари мавжуд бўлганда сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари қиймати миқдоридagi иш ҳажмлари қурилиш қийматидан чиқарилади ёки камчиликлар айбдор томоннинг маблағлари ҳисобига бартараф этилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизматларига Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг вакиллари 5-иловага\* мувофиқ бириктириб қўйилсин, уларга олиб борилаётган ишларнинг тасдиқланган намунавий лойиҳаларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқлиги таъминланиши учун жавобгарлик юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда, бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига қуриладиган янги объектларни мактабларни капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини фойдаланишга тайёр ҳолда бажариш шартларида ҳамда фақат тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича пудрат танлов савдоларининг ўз вақтида ўтказилишини таъминласин;

мактабларни қуриш, капитал реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан буюртмачилар ва пудратчилар ўртасида пудрат шартномалари тузилиши ва шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борсин;

ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига шартнома мажбуриятлари бажарилиши мониторинги натижалари, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларининг сифати тўғрисида ахборот тақдим этсин.

9. «Давархитектқурилиш» қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда:

умумтаълим мактаблари ҳузуридаги спорт иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш юзасидан амалдаги норматив ҳужжатларни икки ой муддатда қайта кўриб чиқсин;

умумтаълим мактаблари ҳузуридаги замонавий ва ихчам жисмоний тарбия-спорт комплексининг бир қатор намунавий лойиҳаларини 2004 йил охиригача ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ, намунавий лойиҳалар асосида ҳар бир қишлоқ мактабида жисмоний тарбия-спорт комплекси барпо этилишини таъминласин.

10. Махсус комиссия (Ш.М. Мирзиёев)га 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши юзасидан мунтазам мониторинг олиб бориш юклансин.

Махсус комиссия ҳар йили календарь йил ва ярим йиллик яқунлари бўйича Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг бажарилиши натижалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида ахборот берсин.

---

\* 4, 5-иловалар берилмайди.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 9 июль,  
321-сон



**2004—2009 йилларда Мактаб таълимни ривожлантириш Давлат  
умуммиллий дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар**

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
<b>I. Умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш</b>			
1.	Ўқувчиларни яқиндаги мактабларга, бошқа таълим муассасаларига ва ижтимоий соҳа муассасалари биноларига вақтинча кўчириш схемаларини кўрсатган ҳолда бузилиши, капитал реконструкция қилиниши, капитал ёки жорий таъмирланиши керак бўлган ҳар бир мактабнинг жойлашиши харитасини ишлаб чиқишни тугаллаш, бунда уларнинг кўчирилишини ва ишлаб турган мактаблар ўқувчилар контингентини тигизлаштирилишини тиклаш ишларини ўтказиш муддатлари билан боғлаган, мактабларнинг жойлашиши, таълим олаётганлар сони, машғулотларнинг навбатма-навбатлиги, ўқувчилар ва ўқитувчилар контингентини қайта жойлаштиришнинг мактабдан йироқлигини ҳисобга олган ҳолда тузиш.	бир ҳафта муддатда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги
2.	Бузиладиганлари ўрнига янги мактаблар қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш параметрларидан келиб чиқиб жойлашиш хариталари асосида ва ўқувчиларни вақтинча кўчириб жойлаштириш схемасини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир объект бўйича тиклаш ишларини бажаришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда мавжуд умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасидан, қурилиши тугалланмаган объектлар ва таълим муассасаларига қўйиладиган талабларга мос бўлган бошқа бинолардан самарали фойдаланишни назарда тутиш.	бир ой муддатда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги
3.	Мактабларнинг хатловдан ўтказилиши натижалари асосида фойдаланишдаги мактабларни типлари бўйича тизимга солиш, улар моддий базасининг амалдаги ҳолатини баҳолашнинг сифат ва миқдор мезонларини белгилаш, бунда зарур коммуникациялар, сув, иссиқлик ва мактаб инфратузилмаси мавжудлигига алоҳида эътиборни қаратиш.	бир ой муддатда	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
4.	Тизимга солиш якуналари бўйича мактабларни капитал ва жорий таъмирлаш бўйича алоҳида вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқ жойнинг шароитларига боғлашни ҳисобга олган ҳолда харажатларнинг чекланган нормативларини ишлаб чиқиш.	икки ҳафта муддатда	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
5.	Янги мактаблар қуриш ва мактабларни капитал реконструкция қилишнинг намунавий лойиҳаларини жойларга боғлаган, хавфсизлик ва ўқув жараёни талабларига мувофиқликни таъминлаган ҳолда ишлаб чиқиш ишларини яқунлаш.	бир ой муддатда	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
6.	Амалда фойдаланиш мақсадида намунавий лойиҳалар, капитал ва жорий таъмирлаш учун харажатларнинг чекланган нормативлари кўрсатилган альбомларни тайёрлаш ва нашр этиш.	бир ой муддатда	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
7.	Мактабларни капитал реконструкция қилишнинг намунавий лойиҳалари макетлари кўргазмасини ташкил этиш.	2004 йил 20 июлгача	Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
8.	Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга оширишга ихтисослашадиган мавжуд пудрат қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси объектларини хатловдан ўтказишни тугаллаш. Бунда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилишига жалб этилган қурилиш индустрияси корхоналари ва пудрат ташкилотларининг қувватидан фойдаланиш.	икки ҳафта муддатда	Махсус комиссия, Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизматлар кўрсатиш ва транспорт комплекси, Ижтимоий комплекси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда
9.	Намунавий лойиҳалар талабларидан келиб чиқиб мактабларни тиклашда фойдаланиш учун мўлжалланган намунавий қурилиш конструкциялари ва узелларини белгиланган тартибда аниқлаш ва тасдиқлаш, уларни экспертизадан ва синовдан ўтказиш, сўнгра уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш.	2004 йил 1 сентябргача	«Ўзқурилишматериаллари» компанияси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги
<b>II. Мактабларни замонавий ўқув-лаборатория усқуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш</b>			
1.	Таълим муассасаларининг ягона ахборот маконига интеграцияси чуқурлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда замонавий мактабни жиҳозлаш концепциясини ишлаб чиқиш.	бир ҳафта муддатда	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
2.	Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари умумтаълим фанлари хоналарининг жиҳозланиши таҳлили асосида умумтаълим мактабларининг физика, кимё, биология ва информатика хоналарини давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва ўқитиш дастурлари талабларига мувофиқ бўлган замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	икки ҳафта муддатда	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
3.	Умумтаълим мактабларининг моддий-техника базаси замонавий ҳолатини ҳагловдан ўтказишнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари асосида зарур ўқув-лаборатория ускуналари рўйхатини ва молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш.	бир ой муддатда	Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги
4.	Ажратиладиган ўқув-лаборатория ускуналаридан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш, бунда улардан самарали фойдаланишни ҳамда сақлашнинг таъминланиши учун умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини назарда тутиш.	2004 йил 1 августгача	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Адлия вазирлиги
5.	Республиканинг ҳар бир минтақаси бўйича ўқув-лаборатория ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича моддий база мавжудлигини, шунингдек тегишли ўқитувчилар билан таъминланганликни ўрганиш.	2004 йил 1 августгача	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
6.	Ажратилаётган ўқув-лаборатория ускуналаридан фойдаланиш бўйича ўқитувчилар малакасини оширишнинг ихтисослаштирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.	2004 йил 10 августгача	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
7.	Мактабларни тиклаш ишлари муддатлари билан боғлаган ҳолда 2005-2009 йилларда мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2004 йил 20 августгача	Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги
8.	Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда умумтаълим мактаблари учун ўқув-лаборатория ускуналари рўйхатини тайёрлаш ва уларни маҳаллий корхоналарда имкони борича ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун тарқатиш.	икки ҳафта муддатда	Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
9.	Тошкент шаҳрида, шунингдек Урганч, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариладиган мактаб парталари, мактаблар учун мебеллар ва бошқа ўқув ускуналари кўргазмаларини ташкил этиш.	Ҳар йили 1 сентябргача	Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Ўзкўргазмасавдо»
10.	Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун импорт қилинадиган асбоб-ускуналарни ҳамда ривожланган мамлакатларнинг ўқув юртларида фойдаланиладиган мактаб ускуналарининг истиқболли турларини ҳисобга олган ҳолда мактаб мебеллари ва ўқув-лаборатория ускуналарини ишлаб чиқаришга давлат буюртмасини жойлаштириш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида танлов савдолари ўтказиш.	Ҳар йили 1 октябргача	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги
11.	2005—2009 йилларда мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш дастури прогноз кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда мактаб ва ўқув ускуналарининг аниқ турларини ишлаб чиқаришга давлат буюртмаси дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2004 йил 20 октябргача	Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>III. Мактабларни дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш</b>			
1.	Давлат таълим стандартларини, умумий ўрта таълим ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш ва босқичма-босқич жорий этиш ишларини тугаллаш, бунда ўқув материални ўзлаштириш билан боғлиқ юкلامаларнинг ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ва тиббий нормаларига, шунингдек педагогика юкلامалари ва ўқитувчиларга нисбатан малака талабларига мувофиқлигини ўрганишни назарда тутиш.	икки ҳафта муддатда	Халқ таълими вазирлиги
2.	Узлуксиз таълим тизими учун янги ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссиясига давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва уларни босқичма-босқич жорий этиш, шунингдек умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига аста-секин ўтишни таъминлайдиган ўқув режалари ва дастурлари мазмунини мақбуллаштириш бўйича таклифлар тақдим этиш.	бир ой муддатда	Халқ таълими вазирлиги

Т/р	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Бажариш учун масъуллар
3.	Мазмунига кўра такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари талабларига ва замонавийлаштирилган ўқув дастурларига мувофиқ бўлган материалларни нашр этишни ва харид қилишни таъминлайдиган дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларни яратиш, танлаб олиш, баҳолаш ва тасдиқлашнинг тендер тизимини яратиш.	2004 йил 1 августгача	Халқ таълими вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Молия вазирлиги
4.	Мактабларни замонавий компьютер техникаси билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ахборотлар, интерактив таълим дастурларининг муқобил манбаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида мамлакатимиз индустриясининг дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва кўпайтириш бўйича имкониятларини ўрганиш.	2004 йил 1 августгача	Халқ таълими вазирлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
5.	Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар нашр этиш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2004 йил 20 августгача	Халқ таълими вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Молия вазирлиги
<b>IV. Умумтаълим мактабларини педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш</b>			
1.	Педагогика йўналишидаги олий ўқув юртларининг битирувчиларини мақсадли тайёрлаш ва уларни умумтаълим мактабларига, айниқса қишлоқ умумтаълим мактабларига жалб этишнинг таъсирчан механизмини жорий қилиш тўғрисида таклиф ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	бир ой муддатда	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
2.	Касб малакасининг ҳақиқий даражасини ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг вариатив дастурларини назарда тутган ҳолда педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.	2004 йил 1 сентябргача	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
3.	2004/2005 ўқув йилида ўқитувчилар ва методистлар меҳнатини, уларнинг ўқув-тарбия жараёнидаги шахсий ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда рағбатлантириш бўйича эксперимент ўтказиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш, Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг тариф ставкасига устамалар белгилаш тўғрисида Вақтинчалик низомни ишлаб чиқиш.	икки ҳафта муддатда	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги

<b>Т/р</b>	<b>Тадбирлар</b>	<b>Бажариш муддатлари</b>	<b>Бажариш учун масъуллар</b>
4.	Ўқитувчиларнинг август конференцияларида ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш хусусиятларининг кенг муҳокамасини ташкил этиш.	2004 йил 1 сентябргача	Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси
5.	Таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тармоқ тариф сеткасига ўтиш механизмини ишлаб чиқиш.	2004 йил 10 сентябр- гача	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
6	Муҳокама натижаларини ҳисобга олган ҳолда, таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тармоқ сеткасига ўтиш механизми бўйича таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2004 йил 20 сентябргача	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **321** Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигини Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида» 2004 йил 9 июлдаги ПФ-3454-сон Фармони бажариш юзасидан, шунингдек саноатда, газ таъминотида ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш ва кон назорати соҳасида бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (Саноатконтехназорат) давлат инспекцияси)нинг ташкилий тузилмаси ва марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 26 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 19 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғига, зарурият бўлганда, Давлат инспекцияси марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Турар жойларнинг газ тармоқлари ва газ хўжалиги соз ва доимий юқори техник жиҳатдан тайёр ҳолатда бўлиши, газдан фойдаланишда, энг аввало кўп квартирали уйларда хавфсизлик таъминланиши учун жавобгарлик «Ўзкоммунализмат» агентлигига, ҳудудий газ таъминоти корхоналарига ва уларнинг шаҳар ва туман филиалларига юклансин.

Шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларини газ билан таъминлаш тизимидан фойдаланилишини мунтазам назорат қилиш ва текшириш, уй-жой-коммунал хўжалигида, айниқса кўп квартирали турар жойларда табиий газдан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси Газни назорат қилиш инспекциясининг муҳим вазифаси ҳисоблансин.

### 4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси Газни назорат қилиш инспекциясининг ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

ҳудудий газ таъминоти корхоналари бошқарув аппаратининг янгиланган намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

худудий газ таъминоти корхоналарининг туман ва шаҳар филиаллари бошқарув аппаратининг янгиланган намунавий тузилмаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бир ой муддатда:

формали кийим-бош намуналарини, фарқлаш белгиларини ва уларни тақиб юриш тартибини;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда формали кийим-бошни бериш норма ва муддатларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ инспекция томонидан солинадиган жарималар ҳисобига ташкил этиладиган Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг Бюджетдан ташқари жамғармаси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки, инспекция ходимларини формали кийим-бош билан таъминлаш харажатларининг 30 фоизи бюджет маблағлари, 70 фоизи бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2000 йил 7 апрелдаги 130-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 4-сон, 17-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 10 июль,  
323-сон




## Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 10 июлдаги 323-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси марказий  
аппаратининг тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 10 июлдаги 323-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-  
маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат  
қилиш давлат инспекцияси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси («Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси) республика ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларнинг саноатда ишларни бехатар олиб бориш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилишлари устидан давлат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда матнда Давлат инспекцияси деб аталади) ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Давлат инспекцияси, унинг минтақавий инспекциялари ва унга идоравий мансуб ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг саноатда хавфсизлик соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг ягона тизимини ташкил этади.

Минтақавий инспекциялар маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил ҳисобланади ва бевосита Давлат инспекциясига бўйсунди.

3. Давлат инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Давлат инспекциясининг хавфсизлик техникаси, назорат остидаги объектларнинг техник хавфсизлиги, шунингдек ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Давлат инспекцияси ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади ҳамда халқаро битимлар асосида бошқа давлатларнинг давлат назорат органлари билан ўзаро алоқа ва ҳамкорлик қилади.

6. Давлат инспекцияси, унинг тармоқ ва минтақавий инспекциялари фаолиятини молиялаштириш Давлат инспекциясига ажратиладиган давлат бюджети маблағлари доирасида, хизмат кўрсатиладиган корхоналар ва Давлат инспекциясига идоравий мансуб ташкилотлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ва амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

7. Давлат инспекцияси, унга идоравий мансуб ташкилотлар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## II. Давлат инспекциясининг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Давлат инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:  
юридик ва жисмоний шахсларнинг саноатда ва газ таъминотида ишларни беҳатар олиб боришга, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга, минерал хом ашёни қайта ишлаш ва металлургия жихатидан саралашга, шунингдек кон ишларини геология-маркшейдерлик хизмати билан таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилишлари устидан давлат назоратини амалга ошириш;

саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини таъминлаш соҳасида олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

газ хўжалиги тизимида ва кўп квартиралли турар жойлар ва республиканинг коммунал-маиший объектларининг газ таъминотида хавфсизлик таъминлианишини назорат қилиш;

техник хавфсизлик ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш масалалари бўйича илмий-техник дастурларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

иктисодиётнинг тегишли тармоқларида ишларнинг беҳатар олиб борилишини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳарбийлаштирилган кон-қутқариш қисмларига тезкор ва методик раҳбарлик қилиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ва техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда қабул қилиш.

9. Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари билан келишган ҳолда ишлаб чиқаришлар (технологиялар), объектлар, асбоб-ускуналар ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришлар ва технология объектларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатини белгилайди ва тасдиқлайди;

саноатда ишларни беҳатар олиб бориш, ускуналар тузилиши ва ишлатилиши, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, минерал хом ашёни қайта ишлаш ҳамда металлургия жихатидан саралашга доир талаблар мавжуд бўлган давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва белгиланган тартибда келишиб олади ҳамда ушбу масалалар бўйича қоидалар ва нормаларни тасдиқлайди;

ўз ваколатлари доирасида фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни ташкил этади;

ўз ваколатларига кирувчи алоҳида иш турларига белгиланган тартибда рухсатномалар беради ва уларни бекор қилади;

фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхоналар ва объектларни тугатиш ва консервация қилишда ер ости бойликларидан фойдаланувчилар томонидан бажарилиши керак бўлган техник талабларни белгилайди (ишларнинг хавфсизлиги, фойдали қазилмалар конларини ишга туширишда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ҳамда иктисодиёт тармоқларида фойдаланишга яроқли бўлган кон маҳсулотларини сақлаш қисми бўйича);

фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб

олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланиш учун кон ажратиш ҳужжатларини беради;

казиб олиш жараёнида казиб олинган ва йўқотилган фойдали қазилмалар захираларини казиб олиш корхоналари ҳисобдан чиқаришни келишиб олади ва саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинги геология-қидирув ишларида ва конларни казишда тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш учун хулосалар беради;

минерал хом ашёни казиб олишда ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларнинг нормадан ортиқча йўл қўйилган йўқотишларини аниқлайди;

кон қазувчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг техник лойиҳаларини, ишларни бехатар олиб бориш юзасидан техник ечимларга доир кон ишлари режаларини, минерал хом ашёни казиб олиш ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларнинг камайиши ва майдалашуви нормативларини келишиб олади;

шахталар (конлар)нинг, нефть-газ тармоғи қудуқларининг бир тоифадан бошқа тоифага ўтказилишини тасдиқлайди ва келишиб олади;

ишларнинг айрим масъулиятли технологик босқичларини, технологик регламентларни ва бошқаларни олиб бориш иш режаларини келишиб олади;

газ назорати объектларини, босим остида ишловчи буғ ва сув иситиш қозонларини, идишларни, буғ ва иссиқ сув қувурларини ва кўтариш иншоотларини рўйхатдан ўтказиши;

турар жойлар ва коммунал-маиший объектларнинг газ хўжалиги тизимида техника хавфсизлигини таъминлаш соҳасида коммунал-маиший корхоналар хизматлари томонидан норматив-ҳуқуқий ва техник ҳужжатлар бажарилишини текширади ва мониторинг олиб боради;

ўз назорати остидаги корхоналар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари таркибида қатнашиш учун вакилларни тайинлайди, ушбу объектларда фойдаланиш учун қабул қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилади;

ўта хавфли ишлаб чиқаришлар ва объектлар лойиҳаларини саноатда, кон назоратида, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ишларини олиб боришнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлиги жиҳатидан экспертизадан ўтказиши;

ўз назорати остидаги объектлар ходимларини тайёрлаш ва ушбу объектларда ишларни бехатар олиб бориш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилишни таъминлаш масалалари бўйича уларнинг билимларини текшириш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан захираларни тасдиқлашда қабул қилинган қарорлар ва хулосаларнинг ер ости бойликларидан фойдаланувчилар томонидан бажарилишини назорат қилади;

назорат остидаги объектларда саноат ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш хавфсизлиги жиҳатидан хорижий технологияларни ва асбоб-ускуналарни қўллаш имкониятлари тўғрисида эксперт хулосасини беради;

саноатда ишларни бехатар олиб боришни назорат қилиш, кон назорати, атом энергетикаси ва илмий тадқиқотлар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, Давлат инспекцияси ваколатига кирувчи масалалар бўйича халқаро ташкилотлар, бошқа мамлакатларнинг тегишли назорат органлари билан белгиланган тартибда алоқа ўрнатади;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда қабул қилади;

хавфли юклар ва портловчи моддалар транзитига қонун ҳужжатларига мувофиқ хулосалар беради ва уни назорат қилади;

Ўз назоратидаги объектларда авариялар ва ишлаб чиқариш травматизмининг олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ҳамда корхоналарнинг, ҳарбийлаштирилган кон-қутқариш қисмининг нефть фонтанига қарши, газдан қутқариш бўлинмаларининг ва авария-диспетчерлик хизматларининг содир бўлиши мумкин бўлган аварияларни бартараф этиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга тайёрлигини назорат қилади, шунингдек кўрсатиб ўтилган бўлинмаларни жойлаштириш схемаларини келишиб олади.

10. Давлат инспекцияси:

кўмир, кон-руда ва норуда, кимё, металлургия, нефть ва газ қазиб олиш, нефть ва газни қайта ишлаш саноатида, геология-кидирув ташкилотларида, магистрал нефть-газ ва уларнинг маҳсулотларини узатиш қувурларида, ишлаб чиқариш жараёнида газдан фойдаланишда, портлаш ва ёнғин хавфи бўлган объектларда, дон сақлаш ҳамда уни қайта ишлаш объектларида, ер остида транспорт ва гидротехника қурилишларини олиб боришда, портлаш ва ёнғин хавфи бўлган қурилиш объектларида ва бошқа тармоқларнинг ўта хавфли объектларида;

саноат портловчи моддалари ва портлатувчи воситаларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ишлатиш ва ҳисобга олишда;

газ, нефть ва уларнинг маҳсулотлари узатиладиган магистрал қувурларни, шахарлар ва аҳоли яшаш жойларини газ билан таъминлаш тизимларини, шунингдек нефть маҳсулотларини, табиий ва суюлтирилган (пропан-бутан) газларни ташиш, сақлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ объектларни лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва таъмирлашда;

нефть ва газ излашда, нефть ва газ қудуқларини қазишда, уларни синаб кўришда ва ишлатишга тайёрлашда;

портлаш ва ёнғин хавфи бўлган назорат остидаги ишлаб чиқаришларни ва объектларни қуришда, реконструкция қилишда, улардан фойдаланишда ва уларни таъмирлашда;

ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда;

радиоактив материаллар ва рудаларни (ваколатига кўра), ионловчи нурланиш манбалари мавжуд бўлган буюмларни ташиш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни кўмиб ташлаш, қазиб олиш, қайта ишлаш ва ҳисобга олишда, ядро объектларидан ва ионловчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчи ёки уларни олувчи бошқа объектлардан фойдаланишда;

кўтариш иншоотларини, буғ ва сув иситиш қозонларини, босим остида ишлайдиган идишларни, буғ ва иссиқ сув қувурларини, шунингдек назорат остидаги бошқа объектларни барпо этиш, тайёрлаш, монтаж қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишда;

хавфли юклар ва портловчи моддаларни транзит ташишда ўз ваколатларига мувофиқ давлат назоратини амалга оширади.

Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўз минтақавий инспекциялари ва ўзига қарашли ташкилотлар орқали ҳал қилади.

### **III. Давлат инспекциясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

11. Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан корхоналар ва объектларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текшириш;

назорат остидаги корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига, шунингдек Давлат инспекцияси назорати остидаги объектларга эга бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ишларни бехатар олиб бориш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилишга оид қоидалар ва нормаларнинг аниқланган бузилишларини бар-тараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

хавфсизлик ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидалари ва нормалари бузилган ҳолда олиб борилаётган ишларни белгиланган тартибда тўхтатиб қўйиш, шунингдек одамлар ҳаёти хавф остида қолганда ёки авария ҳолати вужудга келганда уларни иш жойларидан чиқариш, иш жойларини ёки ускуналарни муҳрлаб қўйиш;

ишларни бехатар олиб бориш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилишга оид қоидалар ва нормаларни бузганлик учун мансабдор шахслар ва фуқароларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида маъмурий жавобгарликка тортиш;

ўз назорати остидаги ишлаб чиқаришлар учун ходимлар тайёрловчи курсларни, шунингдек кон ва портлатиш ишлари олиб борилишига жавоб бериш ҳуқуқи бериладиган мутахассислар тайёрловчи курсларни ташкил этиш, ўта хавfli ишларни бажариш учун тайёрладиган шахслардан имтиҳонлар олиш ва уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

ўз назорати остидаги объектларда мутахассисларнинг хавфсизлик қоидалари ва нормаларини, технологик регламентларни ва ишчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш йўриқномаларини билишларини текшириш, ўз назорати остидаги корхоналар, шу жумладан саноат соҳасида тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга оширувчи корхоналар раҳбарлари ва мутахассисларининг хавфсизлик ҳамда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларини билишларини текширишда белгиланган тартибда қатнашиш;

ўз назорати остидаги корхоналар ва давлат бошқаруви органлари раҳбарларига ишларни бехатар олиб бориш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидалари, йўриқномалари ва бошқа норматив-техник ҳужжатлар талабларини бузувчи шахсларни эгаллаб турган лавозимидан белгиланган тартибда бўшатиш ёки ишларга техник раҳбарлик қилиш ҳуқуқидан бир йилгача муддатга маҳрум этиш тўғрисида тақдимнома киритиш;

айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш;

аварияларнинг ҳолатлари ва сабабларини, ишлаб чиқариш жароҳати, портловчи материалларнинг йўқолиши ҳолатларини белгиланган тартибда техник жиҳатдан текшириш ва текшириш натижалари бўйича ўз ваколатига киритилган масалаларга оид бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

зарур ҳолларда корхоналар ва ташкилотлар томонидан асбоб-ускуналар ва материалларнинг назорат синовлари, иш бажариладиган муҳит ва атроф табиий муҳит таҳлиллари, лойиҳа ва лойиҳа-конструкторлик ечимларининг мустақил экспертизаси ўтказилишини тайинлаш;

тайёрловчи заводларда ва таъмирлаш корхоналарида ўз назорати остидаги саноат тармоқлари учун асбоб-ускуналарнинг хавфсизлик қоидалари ва нормалари талабларига мувофиқлигини текшириш, улар стандартлар, қоидалар ва нормалар талабларига ҳамда тасдиқланган лойиҳа ечимларига мувофиқ бўлмаган тақдирда уларнинг ишлаб чиқарилишини тўхтатиб қўйиш ва қўлланишини тақиқлаш;

вазирликлар, идоралар, давлат бошқаруви бошқа органларидан, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналардан ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича зарур ахборотларни белгиланган тартибда олиш;



мансабдор шахсларда ва фуқароларда ишларга ва уларнинг бажарилишига техник раҳбарлик қилиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлар мавжудлигини, шунингдек ўта хавфлилик билан боғлиқ ишлар учун махсус белгиланган талабларга риоя қилинишини текшириш;

хизмат кўрсатиладиган корхоналар ҳисобига молиялаштириладиган минтақавий инспекцияларга тезкор ҳамда методик раҳбарлик қилиш;

вазирликлар, идоралар ва корхоналар билан келишган ҳолда шартнома асосида уларнинг мутахассисларини ишлаб чиқаришлар, объектлар ва ишларнинг хавфсизлиги ҳамда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ мустақил экспертизалар ва ишланмалар ўтказиш учун шартнома асосида жалб қилиш.

Давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Давлат инспекцияси инспекторлари ўз вазифаларини бажаришлари учун назорат остидаги корхоналар уларни хизмат хоналари, алоқа воситалари, махсус кийим-бош ва химоя воситалари, транспорт билан таъминлайдилар, шунингдек уларга доимий бириктириб қўйилган минтақавий инспекциялар инспекторларига коммунал хизматлар кўрсатиладиган ва телефон алоқаси бўлган идоравий турар-жой ажратишда кўмаклашадилар, идоравий мактабгача болалар муассасаларида ва санаторий-курорт муассасаларида жой берадилар, тиббий хизмат кўрсатиш ва ижтимоий-маиший таъминот масалаларини ҳал қиладилар.

13. Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

14. Давлат инспекцияси ва унинг минтақавий инспекциялари мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

#### **IV. Давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш**

15. Давлат инспекциясига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошчилик қилади.

Давлат инспекцияси бошлиғининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган ўринбосари бўлади.

Бошлиқ мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирига, ўринбосар эса — тегишли равишда вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

16. Давлат инспекцияси бошлиғи:

Давлат инспекцияси фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда Давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

зарурат бўлганда Давлат инспекцияси бошқарув аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

белгиланган тартибда Давлат инспекциясининг таркибий бўлинмалари ва минтақавий инспекциялари тўғрисидаги низомларни, ўзига қарашли ташкилотлар низомларини (уставларини) тасдиқлайди, Давлат инспекциясининг ҳарбийлаштирилган кон-қутқариш қисми тўғрисидаги низом бундан мустасно;

Давлат инспекцияси бошқаруви аппарати ходимларини ҳамда ўзига қарашли ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Ҳарбийлаштирилган кон-қутқариш қисми штабининг ҳарбийлаштирилган кон-



қутқариш қисмининг аварияга учраган одамларни қутқаришга, юз бераётган аварияларни бартараф этишга ва корхоналарда авария-техника ишларини бажаришга тайёрлигини таъминлаш бўйича ишлари устидан назоратни ташкил этади.

Бошлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

17. Тармоқ инспекциялари ва минтақавий инспекциялар ўз фаолиятини Давлат инспекцияси томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширадilar.

18. Иқтисодиёт тармоқларида портловчи материаллардан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш учун Давлат инспекцияси ҳузурида Давлат инспекцияси бошлиғи бошчилик қиладиган Портлатиш ишлари бўйича идоралараро кенгаш тузилади. Портлатиш ишлари бўйича идоралараро кенгашнинг шахсий таркиби ва унинг тўғрисидаги низом тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланади.


19. Инспекторлар таркибига ва Давлат инспекцияси органлари ходимларига белгиланган тартибда фарқлаш белгилари бўлган формали кийим-бош ва ягона намунадаги гувоҳнома берилади.

20. Давлат инспекциясини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.


**Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб  
борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси Газни назорат қилиш  
инспекциясининг ташкилий тузилмаси**



**Худудий газ таъминоти корхоналари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси  
(«Қорақалпоқгаз», «Андижонгаз», «Бухорогаз», «Жиззахгаз», «Қашқадарёгаз»,  
«Навоийгаз», «Намангангаз», «Самарқандгаз», «Сурхондарёгаз», «Сирдарёгаз»,  
«Тошкентвилоятгаз», «Фарғонагаз», «Хоразмгаз» ва «Тошкентшаҳаргаз»)**



**Худудий газ таъминоти корхоналари туман ва шаҳар филиаллари бошқарув  
аппаратининг намунавий тузилмаси**



Ходимларнинг умумий чекланган сони — 12-13 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари — 7 нафар. Бош муҳандис ҳамда газ сотиш ва уни ҳисобга олиш хизматлари ишлаб чиқариш-линия ходимлари тоифасига киради.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 10 июлдаги 323-сон қарорига  
7-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг конда хатардан кутқарувчи ҳарбийлаштирилган қисмлари тўғрисида» 1993 йил 3 мартдаги 12-сон қарори ва унга иловадаги Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига кўрсатмалар, Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон қарори 13-бандининг биринчи хатбошидаги «Саноатконтехназорат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 13 январдаги 19-сон қарорига 1 ва 2-иловалар матнида:

«Саноатконтехназорат» — Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги ва «Саноатконтехназорат» агентлигига кўрсатмалар, «Саноатконтехназорат» — Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига кўрсатмалар билан алмаштирилсин;

«Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 13 январдаги 20-сон қарорига 1—4-иловаларнинг матнида:

«Саноатконтехназорат» — Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги ва «Саноатконтехназорат» агентлиги»га кўрсатмалар тегишли равишда «Саноатконтехназорат» — Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси»га кўрсатмалар билан алмаштирилсин;

«Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги раиси», «Саноатконтехназорат» агентлиги раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илова II бўлими 1-бандининг биринчи хатбошида «Саноатконтехназорат» агентлиги томонидан амалга оширилади» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишган ҳолда амалга оширилади» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ геология ва маркшейдер хизматлари тўғрисидаги

намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 1 апрелдаги 168-сон қарорига 1-илова 8-бандининг бешинчи хатбошида ва 2-илова 8-бандининг бешинчи хатбошида «Саноатконтехназорат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 6-сон, 21-модда) иловада «Саноатконтехназорат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кимёвий қуролларни яратиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва қўллашни тақиқлаш ҳамда уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги Конвенцияни рўёбга чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиясини ташкил этиш ҳақида» 1997 йил 6 июндаги 287-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошида ва 2-илова IY бўлимининг еттинчи хатбошидаги Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига кўрсатмалар, Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъерий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида» 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 39-модда):

а) 2-бандда «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

1-банддаги «Саноатконтехназорат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;  
4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тасдиқланадиган ишларнинг хавфсизлиги қоидалари»;

4.60-кичик банддаги «Саноатконтехназорат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 21-модда) 3-иловадаги 30-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2001 йил 1 ноябрдаги 434-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 11-12-сон, 62-модда) иловадаги 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали маҳсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини давлат томонидан тартибга солиш

ва назорат қилиш тўғрисида» 2002 йил 21 февралдаги 62-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 2-сон, 10-модда):

4 ва 5-бандлардаги «Саноатконтехназорат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илова 5-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошидаги, 31-банддаги «Саноатконтехназорат» агентлиги» ҳамда «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика олтин қазиб олиш саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 апрелдаги 145-сон қарори 9-бандидаги «Саноатконтехназорат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 1 майдаги 150-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 23-модда) иловада 11-банд чиқариб ташлансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр тармоқлари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2002 йил 5 июлдаги 243-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 38-модда) илованинг 23-бандида «Саноатконтехназорат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорига 1-илова 10-бандининг «е» кичик бандидаги ҳамда 2-илова 10-бандининг «е» кичик бандидаги «Саноатконтехназорат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорига 1-илова 11-бандининг «е» кичик бандидаги ҳамда 2-илова 10-бандининг «ж» кичик бандидаги «Саноатконтехназорат» агентлигининг» ҳамда «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 октябрдаги 421-сон қарорига 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 28 октябрдаги 469-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 102-модда) 1-илова 8-бандининг «е» кичик бандидаги «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар

олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 6 ноябрдаги 489-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 111-модда):

1-иловининг 2-бандидаги «Саноатконтехназорат» агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўладиган соҳалардаги фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги Низомга (1-илова) иловада «Саноатконтехназорат» агентлиги», «Саноатконтехназорат» агентлигига», «Саноатконтехназорат» агентлигининг» ва «Саноатконтехназорат» агентлиги томонидан» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси», «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига», «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг» ва «Ўзбекистон Республикаси «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 ноябрдаги 520-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 123-модда) 1-иловининг 14-бандидаги «Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги», «Агентлик томонидан» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси», «Инспекция томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **322** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда нефть маҳсулотлари ва газни қазиб олиш, ишлаб чиқариш, сотиш ва улардан фойдаланишда белгиланган тартибга ва технология талабларига риоя этилишини назорат қилиш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар «Ўздавнефтьгаинспекция»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:



нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш;

энергияни тежовчи давлат дастурларини, нефть, газ, газ конденсати ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш масалалари бўйича лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш;

нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

2. Қуйидагилар:

«Ўздавнефтьгазинспекция»нинг ташкилий тузилмаси, унинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлимлари тузилмаси 1—3-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ўздавнефтьгазинспекция» марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 37 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 8 нафар этиб белгилансин.

«Ўздавнефтьгазинспекция» бошлиғига, зарурат бўлганда, ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида «Ўздавнефтьгазинспекция» марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлимлари тузилмасига ўзгартириш киритишга рухсат берилсин.

4. «Ўздавнефтьгазинспекция» фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳар йили тасдиқланадиган харажатлар сметасига мувофиқ:

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси, «Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг нефть базалари, «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг «Шўртаннефтьгаз» унитар шўъба корхонаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводининг, ушбу маблағларни Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1.1.4-бандига мувофиқ ишлаб чиқариш моддий харажатларига киритган ҳолда, мажбурий ажратмалари;

нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида» 1994 йил 9 мартдаги 124-сон қарорида белгиланган тартибга мувофиқ иқтисодий жазоларни қўллашдан тушадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига амалга ошириладиган тартиби сақлаб қолинсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида» 2000 йил 8 июндаги 220-сон қарорининг 2—6-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 29-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 декабрдаги 573-сон қарорига илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 133-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сон қарорига илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 1-сон, 3-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. «Ўздавнефтвазинспекция», «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.


7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 13 июль,  
328-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 13 июлдаги 328-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни  
назорат қилиш давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси**



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть  
маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси  
марказий аппаратининг тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 13 июлдаги 328-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни  
назорат қилиш давлат инспекцияси ҳудудий бўлимининг  
намунавий тузилмаси**



Изоҳ. Тошкент назорат-кимё лабораторияси бевосита Давлат инспекциясига бўйсунди, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бўлимларига хизмат кўрсатади, шунингдек марказий лаборатория функцияларини бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 13 июлдаги 328-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни  
назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Ўздавнефтгазинспекция» деб аталади) нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсати қазиб олиш, уларни қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя қилиниши устидан давлат назорати соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

«Ўздавнефтгазинспекция» ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. «Ўздавнефтгазинспекция» тизимига юридик шахс мақомига эга бўлмаган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлимлар, шунингдек Тошкент назорат-кимё лабораторияси киради.

Ҳудудий бўлимлар ўз фаолиятини «Ўздавнефтгазинспекция» томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ амалга оширади, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил ҳисобланади ҳамда бевосита «Ўздавнефтгазинспекция»га бўйсунди.

3. «Ўздавнефтгазинспекция» ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. «Ўздавнефтгазинспекция» ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. «Ўздавнефтгазинспекция» фаолиятини маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳар йили тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ:

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси, «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг нефть базалари, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводи-нинг, ушбу маблағларни Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 1.1.4-бандига мувофиқ ишлаб чиқариш моддий харажатларига киритган ҳолда, мажбурий ажратмалари;

нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартдаги 124-сон қарори билан белгиланган тартибга мувофиқ иқтисодий жазоларни қўллашдан тушадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига амалга оширилади.

6. «Ўздавнефтгазинспекция» юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

## II. Вазифалари ва функциялари

7. Қўйидагилар «Ўздавнефтгазинспекция»нинг вазифалари ҳисобланади:

нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш;

энергияни тежовчи давлат дастурларини, нефть, газ, газ конденсати ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш масалалари бўйича лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш;

нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

8. «Ўздавнефтгазинспекция» ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

юридик шахслар томонидан нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланилишини, уларнинг сотилишини, сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини белгиланган тартибда текширади;

газдан белгиланган мақсаддан ташқари фойдаланилишига йўл қўймаслик ҳамда мулкчилик шаклларида қатъи назар, газ истеъмолчилари (аҳолидан ташқари) ўзбошимчалик билан ўрнатиб олган газдан фойдаланиш қурилмаларини аниқлаш юзасидан газ сотувчи ташкилотлар ва газ узатиш ташкилотлари ишларини белгиланган тартибда назорат қилади;

юридик шахсларнинг ёнилғи истеъмол қилувчи қурилмаларида ишга тушириш ва режим-созлаш ишларини бажариш сифатини белгиланган тартибда текширади;

энергияни тежовчи давлат дастурларини, нефть, газ, газ конденсати ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш масалалари бўйича лойиҳалар ва тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашади ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича зарур норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда уларга розилик беради;

«Ўздавнефтгазинспекция» ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив ҳужжатлар ва қоидалар юзасидан эксперт хулосалар беради ҳамда уларни келишиб олади;

Вазирлар Маҳкамасининг ягона энергетика тизимига уланадиган электр стан-

цияларида электр ишлаб чиқариш фаолиятини, нефть, газ ҳамда газ конденсати қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, нефть маҳсулотларини сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш комиссиялари ишида қатнашади;

нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш шохобчалари орқали сотиш фаолиятини лицензиялаш бўйича ҳудудий комиссиялар ишчи органи функцияларини бажаради;

нефть-газ тармоғи технологик объектларининг ишдан чиқиш сабабларини текшириш комиссияларининг ишида, кўрсатиб ўтилган объектлар ишдан чиқишининг олдини олиш ва уларнинг ишончлилигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашади;

ёқилғи истеъмол қилувчи корхоналар (қурилмалар), нефть-газ технология объектлари, нефть ва газ қудуқлари, нефть базалари, автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари (АЁҚШ), автомобилларга компрессор воситасида газ тўлдириш шохобчалари (АКГТШ) ва автомобилларга газ қуйиш шохобчаларини (АГҚШ) қуриш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш ва газ таъминоти лойиҳаларини белгиланган технология талабларига мувофиқлиги жиҳатидан рўйхатдан ўтказиш;

аттестация комиссиялари ҳамда нефть-газ технологик объектларини, нефть базаларини, АЁҚШ, АКГТШ ва АГҚШларни лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш ва фойдаланишга топширишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар муҳандис-техник ходимларининг нормалар ва қоидаларга доир билимларини текшириш комиссиялари ишида қатнашади;

қурилиш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш тугалланганда ёқилғидан фойдаланувчи корхоналар ва нефть-газ технологик объектлари (қурилмалар)га асбоб-ускуналарни комплекс синаб кўриш, режим-созлаш ишлари ва табиий газ восита сифатида қўлланганда газ қувурларини тозалаш ишлари учун газ узатишга рухсатнома беради;

қурилиши тугалланган нефть-газ технологик объектлари, нефть ва газ қудуқлари, нефть базалари, автоёнилғи қуйиш шохобчалари, автомобилларга компрессор воситасида газ тўлдириш шохобчалари ва автомобилларга газ тўлдириш шохобчаларини техник кўрикдан ўтказиш ва уларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари ишида иштирок этади.

### III. Ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

9. «Ўздавнефтгазинспекция» ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Ўздавнефтгазинспекция» ваколатига кирувчи масалалар бўйича юридик шахслар фаолиятини белгиланган тартибда текшириш;

юридик шахслар томонидан нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланилишини, уларнинг сотилишини, сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

текширишларга тегишли вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мутахассисларини жалб этиш;

текширишлар давомида текширилаётган объектларда аниқланган бузилишлар ва камчиликлар бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

турғун ва кўчма лабораторияларда нефть маҳсулотлари намуналари сифатини мустақил равишда текшириш ва тегишли хулосалар бериш;

нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, бериш, ҳисобга олиш, шунингдек нефть омборхонаси ускуналарининг техник ва метрологик ҳолати қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳоллари аниқланганда нефть маҳсулотларини сотишни белгиланган тартибда тўхтатиб қўйиш;

технологик объектлар қурилишини ва улардан фойдаланишни, уларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишнинг амалдаги нормалари ва қоидалари бузилган ҳолларда ва бу бузилишлар уларнинг ишончилиги пасайишига олиб келса, шунингдек қуриш буюртмачининг малакали техника назорати ва муаллифлик назорати билан таъминламаганда, тўхтатиб қўйиш;

лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги учун юридик шахсларнинг энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш, нефть, газ ҳамда газ конденсати қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, нефть маҳсулотларини сотиш, шунингдек магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисида лицензияловчи органларга таклифлар киритиш;

текширилаётган объектларда, меъёрий-техник ҳужжатларнинг ушбу объектларнинг ишончилигини ва нефть ҳамда газдан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича тегишли талабларига мос келмайдиган аппаратуралар, асбоб-ускуналар, материаллар ва буюмларни, шунингдек технологияларни қўллашни тақиқлаш. Уларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритиш;

технологик объектларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишнинг амалдаги нормалари ва қоидаларидан асосли четга чиқишларни, агар ушбу ўзгартиришлар мазкур объектлардан фойдаланишнинг ишончилигини пасайтиришга олиб келмаса, розилик бериш;

газ сотувчи, газ узатувчи ташкилотларга қўйидаги ҳолларда:

а) «Ўздавнефтгазинспекция»нинг рухсатисиз газ берилганда;

б) газ сарфини ҳисобга олиш приборлари бўлмаган газдан фойдаланиш қурилмаларидан фойдаланилганда ёхуд газдан фойдаланувчи қурилмаларда лойиҳада назарда тутилган газ ёниши жараёнларини автоматик бошқариш воситалари ёки иссиқлик-техника назорати ёки газдан самарали фойдаланишни таъминловчи иссиқликдан қайта фойдаланиш асбоб-ускуналари бўлмаганда (бузилганда);

в) газдан фойдаланиш қурилмаларини ишга тушириш ва режим-созлаш ишларини ўтказиш муддатлари бузилганда газдан фойдаланувчи қурилмаларга газ беришни тўхтатиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда бузилишлар учун юридик шахсларга нисбатан, уларнинг қайси идорага қарашлилигидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан берилган ўз ваколатлари доирасида иқтисодий жазолар қўллаш;

«Ўздавнефтгазинспекция» ваколатига тегишли масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва корхоналардан зарур маълумотлар ва материаллар олиш;

вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналар раҳбарларининг «Ўздавнефтгазинспекция» ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш;

нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш объектларини



(қурилмаларини) монтаж қилиш ва уларни ишлатиш бўйича зарур норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериш;

норматив-методик ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун мустақил экспертларни ҳамда илмий-тадқиқот, аудиторлик, маслаҳат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини белгиланган тартибда жалб қилиш;

«Ўздавнефтегазинспекция» ваколатига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш.

10. «Ўздавнефтегазинспекция»нинг қарорлари, шунингдек «Ўздавнефтегазинспекция»га берилган ваколатлар доирасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

«Ўздавнефтегазинспекция», зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

11. «Ўздавнефтегазинспекция» ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

«Ўздавнефтегазинспекция» ва унинг ҳудудий бўлимлари мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

«Ўздавнефтегазинспекция» мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

#### **IV. «Ўздавнефтегазинспекция» фаолиятини ташкил этиш**

12. «Ўздавнефтегазинспекция»га қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошчилик қилади.

Бошлиқнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади.

«Ўздавнефтегазинспекция» бошлиғи мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринбосарига, бошлиқ ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикаси вазири ўринбосарларига тенглаштирилади.

13. «Ўздавнефтегазинспекция» ходимлари мақомига кўра «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ходимларининг тегишли тоифаларига тенглаштирилади.

14. «Ўздавнефтегазинспекция» бошлиғи:

«Ўздавнефтегазинспекция» фаолиятига яккабошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади, «Ўздавнефтегазинспекция»га юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

«Ўздавнефтегазинспекция» тузилмасига ходимларнинг штатда белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритади;

«Ўздавнефтегазинспекция» таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

«Ўздавнефтегазинспекция» ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. «Ўздавнефтегазинспекция» бошлиғи лавозимига кўра айни бир вақтда Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Бош давлат инспектори, унинг ўринбосарлари эса Бош давлат инспектори ўринбосарлари ҳисобланади. Бош тех-

нологлар ва бош мутахассислар катта давлат инспекторлари ҳисобланадилар. Муҳандислар давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

16. «Ўздавнефтвазгаинспекция»ни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **323 Япония билан ҳамкорлик қўмитасини ташкил этиш тўғрисида**

Сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда Япония билан стратегик шериклик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш, икки томонлама парламент, таълим, илмий ва маданий алоқаларни кенгайтириш, республика вазирликлари ва идоралари, ишбилармон доиралари ва жамоат ташкилотларининг Япония билан ҳамкорлик масалалари бўйича фаолияти мувофиқлаштирилишини ва ўзаро самарали ҳамкорлик қилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Японияда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қўмитаси ташкил этилганлиги, унинг таркибига Япония парламенти, Ҳукумати, ишбилармон доиралари вакиллари, таниқли фан, таълим ва маданият арбоблари киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, жамоат ташкилотларининг 1-иловага\* мувофиқ таркибда Япония билан ҳамкорлик қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Япония билан ҳамкорлик қўмитаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика вазирликлари ва идоралари, ишбилармон доиралари ва жамоат ташкилотларининг Япония билан стратегик шериклик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга йўналтирилган фаолияти мувофиқлаштирилишини ва ўзаро самарали ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

иккала давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий-техник, маданий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мунтазам назоратни ташкил этиш;

иккала мамлакатнинг қонунчилик органлари, Ҳукуматга қарашли, Ҳукуматга қарашли бўлмаган, жамоат ва гуманитар ташкилотлари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш;

республикада таркибий ўзгартиришларни жадаллаштиришга қўмаклашиш учун замонавий технологияларни ва Япония инвестицияларини жалб этишга йўналтирилган иқтисодий ва инвестиция ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

таълим, фан ва маданият соҳаларида ўзаро айирбошлашларни, шаҳарлар, ви-

---

\* 1-илова берилмайди.

лоятлар, префектуралар, маҳаллий ҳокимият органлари даражасида ҳамкорликни кенгайтириш.

Қўшма мажлисларда 3-иловага\* мувофиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш Қўмитанинг энг муҳим вазифаси ҳисоблансин.

5. Япония билан ҳамкорлик қўмитасининг котибияти функциялари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари бошқармасига юклансин.

6. Япония томонининг Ҳамкорлик қўмиталарининг қўшма мажлисларини ҳар йили навбати билан Япония ва Ўзбекистонда ўтказиш ҳамда биринчи қўшма мажлисни 2004 йил июль ойида Токио шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. Япония билан ҳамкорлик қўмитаси ҳузурида Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин, Қўмита тадбирларини, шу жумладан унинг Япониянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қўмитаси билан қўшма мажлисларини, кўргазмалар ва семинарларни, қўшма ахборотларни нашр этиш, таълим, фан ва маданият соҳасидаги айирбошлашларни ҳамда бошқа қўшма тадбирларни молиялаштириш унинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон ва Япония юридик ва жисмоний шахсларининг ихтиёрий ҳомийлик бадаллари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш жамғармасининг молиявий манбалари ҳисобланади;

юридик ва жисмоний шахсларининг солиқ солинадиган даромади (фойдаси) кўрсатиб ўтилган Жамғармага бадаллар суммасига камайтиради.

9. Япония билан ҳамкорлик қўмитаси (Р.С. Азимов):

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Япония билан ҳамкорлик қўмитаси ҳузуридаги Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш жамғармасининг устави ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини, Жамғарманинг юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилишини таъминласин;

чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, шу жумладан Япония жамоатчилигини Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида хабардор қилиш, кўргазмалар, семинарлар ҳамда иккала мамлакатнинг Ҳукуматга қарашли ташкилотларини, жамоат ташкилотларини, ишбилармон ва илмий доираларини жалб қилган ҳолда бошқа тадбирларни ўтказиш масалаларида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Япония қўмитаси билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Япония билан ҳамкорлик дастурларини амалга оширишда қатнашаётган бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар Қўмита фаолиятига қўмаклашсинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 14 июль,  
333-сон

---

\* 3-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 14 июлдаги 333-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Япония билан ҳамкорлик қўмитаси тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Япония билан ҳамкорлик қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) турли даражаларда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда Япония билан стратегик шериклик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, икки томонлама парламент, амалий, таълим, илмий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган.

Қўмита республика вазирликлари ва идоралари, ишбилармон доиралари ва жамоат ташкилотларининг Япония билан ҳамкорлик масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиришни ва унинг самарадорлигини таъминлашга даъват этилган.

2. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Қўмитага раис бошчилик қилади ва Қўмита Олий Мажлис депутатларидан, Ҳукумат, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Япония билан икки томонлама ҳамкорлик бўйича аниқ дастурларини амалга оширишда фаол қатнашувчи жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимларидан иборат бўлади.

Қўмита ўз таркибига Япония билан шериклик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган ташкилотлар номидан вакиллик қилувчи янги аъзоларнинг кириши учун очиқ ҳисобланади.

4. Қўмитанинг ҳар йилги мажлисида:

5 кишидан иборат Президиум сайланади, у мажлислар оралиғидаги даврда Қўмита номидан иш олиб боради ва унинг манфаатларини ифодалайди. Президиум мажлислари заруриятга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади;

Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси раҳбариятининг Жамғарма фаолияти якунлари тўғрисидаги ахборотлари эшитилади;

бошқа масалалар, шу жумладан Қўмитага аъзолик масалалари кўриб чиқилади.

### II. Қўмитанинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

республика вазирликлари ва идоралари, ишбилармон доиралари ва жамоат ташкилотларининг Япония билан ҳамкорлик бўйича фаолияти мувофиқлаштирилишини ва ўзаро самарали ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

иккала давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий-техник, маданий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мунтазам назоратни ташкил этиш;

иккала мамлакатнинг қонунчилик органлари, Ҳукуматга қарашли, Ҳукуматга қарашли бўлмаган, жамоат ва гуманитар ташкилотлари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш;

республикада таркибий ўзгартиришларни жадаллаштиришга кўмаклашиш учун замонавий технологиялар ва Япония инвестицияларини жалб этишга йўналтирилган иқтисодий ва инвестиция ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

таълим, фан ва маданият соҳаларида ўзаро айирбошлашларни, шаҳарлар, вилоятлар, префектуралар, маҳаллий ҳокимият органлари даражасида ҳамкорликни кенгайтириш.

6. Қўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Қўмита:

Ҳукуматни ва ишбилармон доираларни, шунингдек Япония жамоатчилигини Ўзбекистон Республикасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг бориши тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширади;

иккала мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамфикрликни кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон ва Япониянинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва академик доиралари вакиллари жалб этган ҳолда семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказиши;

таълим, фан ва маданият соҳасида истиқболли ёш мутахассисларни алмашиш, шунингдек иккала давлатларнинг шаҳарлари, вилоятлари (префектуралари) даражасида ҳамкорликни фаоллаштириш ишларини амалга оширади;

зарурат бўлганда, Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича Япония қўмитаси билан келишилган аниқ тадбирларни таъминлаш учун манфаатдор ташкилотлар мутахассисларидан эксперт гуруҳлар ташкил қилади, Вазирлар Маҳкамасига икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

### III. Қўмита ишларини ташкил этиш

7. Қўмита мажлислари заруриятга кўра, лекин ҳар йили камида бир марта ўтказилади.

Навбатдан ташқари мажлислар Қўмита раисининг ташаббусига кўра чақирилади.

Қўмита мажлисларига материаллар, шу жумладан Япония билан икки томонлама муносабатларнинг уларни янада ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган ҳолдаги таҳлили тайёрланади.

8. Қўмита ҳар йили Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича Япония қўмитаси билан навбатма-навбат Японияда ва Ўзбекистонда қўшма мажлислар ўтказиши.

Қўмиталарнинг қўшма мажлисларини ўтказиш яқунлари бўйича, турли йўналишлардаги икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш учун қўшма ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

9. Қўмита котибияти — Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари бошқармаси Қўмита мажлисларини ташкилий ва техник жиҳатдан тайёрлашни таъминлайди.

Қўмита котибияти:

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги ахборотларни умумлаштиради;

манфаатдор ташкилотлардан Қўмита мажлисларини тайёрлаш учун зарур ахборотлар ва материалларни олади;

Қўмитанинг қўшма мажлисларида эришилган ахдлашувларни амалга оширишнинг доимий мониторингини олиб боради.

10. Ҳар қайси йил якунлари бўйича, Қўмита котибияти томонидан тўпланган материаллар асосида махсус ахборотнома нашр этилади, унда Ўзбекистон-Япония ҳамкорлигини ривожлантиришнинг ахvoli ва истиқболлари ёритилади.

#### **IV. Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси**

11. Япония билан ҳамкорлик қўмитаси ҳузурида Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади.

12. Япония билан ҳамкорлик қўмитаси тадбирларини, шу жумладан Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича Япония қўмитаси билан унинг қўшма мажлисларини, кўргазмалар ва семинарларни, қўшма ахборотлар нашр этишни, фан ва маданият вакиллариининг хизмат сафарларини ва бошқа тадбирларни молиялаштириш Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш жамғармасининг асосий вазифалари ҳисобланади.

13. Ўзбекистон ва Япония ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахсларининг ихтиёрий хомийлик бадаллари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш жамғармасининг молиявий манбалари ҳисобланади.

14. Япония билан ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси юридик шахс ҳисобланади, банкларда ҳисоб рақамларига ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

#### **V. Якуний қоидалар**

15. Қўмита фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ тўхтатилади.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

## **324 Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, республикада ўқитувчи касбининг аҳамияти ва обрў-эътиборини ошириш, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш ва улар ҳаётининг моддий шарт-шароитларини яхшилаш юзасидан изчил, аниқ мақсадга йўналтирилган иш олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Бошланғич синфлар ўқитувчиларига ойлик устамалар,

Ўқитувчиларга синф раҳбарлиги, дафтарларни текширганлик, ўқув кабинетлари ва лабораторияларига мудирлик қилганлик учун қўшимча ҳақ белгиланди ва 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб уларнинг миқдори анча оширилди. Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ ўқитувчилар учун педагогик юклама мақбуллаштирилди.

Шу билан бирга, ўқув ва тарбия жараёнига ўқитувчиларнинг шахсий улушини ҳолисона баҳолаш масаласи ниҳоятда мураккаб эканлигини ҳисобга олган ҳолда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этиш юзасидан ўқитувчилар ва методистлар меҳнатини баҳолаш механизмини ва мезонларини ишлаб чиқиш ишларини янада давом эттириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқитувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнига шахсий улуши мезонларини аниқлашга ёндашувларни ишлаб чиқиш ва умумтаълим муассасаларининг қобилятли, ўз касбига содиқ ўқитувчиларини моддий рағбатлантиришнинг самарали механизмини барпо этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Республика вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг кенг иштирокида ўқитувчиларнинг юксак касб малакасини ва уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига шахсий улушини ҳисобга оладиган ўқитувчиларни рағбатлантириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш масалалари муҳокама қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Республика педагогика жамоатчилиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2004/2005 ўқув йили мобайнида, 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб:

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ улуши, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун — ўқувчиларни тест синови натижалари бўйича аниқланадиган ўқувчиларнинг таълим стандартларини ўзлаштириб олиш даражасига қараб 25 фоизгача миқдорда;

умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига улар томонидан тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари ишлар олиб борилганлиги учун — ўқувчиларнинг тўғарақлар ва секциялардаги мунтазам машғулотларга ва ижодий фаолиятга жалб этилиши даражасига қараб 15 фоизгача миқдорда;

методика кабинетлари методистларига ўқув жараёнида фойдаланиладиган ўқув-методик материаллар ишлаб чиқишга, янги педагогика технологиялари жорий этишга, ўқитувчиларнинг илғор тажрибаси кенг ёйилишига қўшган шахсий улуши учун 25 фоизгача миқдорда тариф сеткасига ойлик махсус устамалар белгилаш бўйича эксперимент ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари таклифларини умумлаштириш асосида умумтаълим муассасалари ўқитувчилари ва методика кабинетлари методистларининг шахсий улушини аниқлашда ва уларга устамалар белгилашда қўлланиладиган асосий мезонлар ишлаб чиқилганлиги ҳамда Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методика кабинетлари методистларига устамалар белгилаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом (илова қилинади) тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:



тариф ставкасига кўрсатилган махсус устамалар умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методик кабинетлар методистларига ўқитувчилар учун умумтаълим муассасалари ҳузурида, методистлар учун эса — халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари ҳузурида тузиладиган махсус комиссиялар қарорлари асосида белгилаш;

умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар таркибига умумтаълим муассасалари раҳбарлари, педагогика кенгаши аъзолари, шунингдек ота-оналар қўмитасининг фаол аъзоларини киритиш;

махсус комиссияларга раҳбарлик қилиш тегишли равишда умумтаълим муассасалари ҳамда халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари раҳбарлари зиммасига юклаш;

ўқитувчилар ва методистларнинг тариф ставкасига устамаларнинг ҳолисона, ошқора ва тўғри белгиланиши юзасидан назорат туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларига юклаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси (А.А. Азизхўжаев), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ўтказилаётган эксперимент натижаларини 2004/2005 ўқув йили яқунлари бўйича умумлаштирсинлар ва танқидий баҳоласинлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ўқув-тарбия жараёнига ҳисса қўшган ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш юзасидан аниқ таклифлар киритсинлар. Бунда ўтказилаётган экспериментга халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш бўйича тайёргарлик босқичи сифатида қаралсин.

5. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Халқ таълими вазирлигига, тасарруфида умумтаълим муассасалари бўлган вазирликлар (идоралар)га мазкур экспериментни ўтказиш давомида ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорга мувофиқ жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва методик кабинетлар методистлари иш ҳақига кўрсатиб ўтилган устамаларни жорий этиш бўйича эксперимент ўтказилиши билан боғлиқ харажатлар учун зарур бюджет маблағларини ажратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2005 йил 1 январгача бўлган муддатда 2005 йил 1 сентябрдан бошлаб халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш принциплари ва механизми тўғрисида аниқ таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 июль,  
335-сон



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 15 июлдаги 335-сон қарорига  
ИЛЮВА

**Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва  
методик кабинетлар методистларига устамалар белгилаш  
тартиби тўғрисида  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармонига мувофиқ умумтаълим муассасаларининг талантли, ўз ишига садоқатли ўқитувчиларини рағбатлантириш, ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига қўшган шахсий ҳиссаси билан бевосита ўзаро боғлиқлигини таъминлаш йўли билан ўқув-тарбия ишларининг натижадорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек ўқитувчиларнинг касбий ва малака даражасини оширишнинг рағбатлантирилишини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом тадбиқ этиладиган умумтаълим муассасаларига умумтаълим мактаблари, барча тур ва номлардаги мактаб-интернатлар, мактаблар-лицей ва гимназиялар (кейинги ўринларда умумтаълим муассасалари деб аталади) киради.

3. Ушбу Низом 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб амал қилади ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича тармоқ сеткаси жорий этилгунга қадар амал қилади.

4. Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва методистлар иш ҳақиға устамалар белгилаш тўғрисидаги қарорлар ўқитувчилар бўйича — умумтаълим муассасалари ҳузурида, методик кабинетлар методистлари бўйича эса — халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари ҳузурида тузиладиган махсус комиссиялар (кейинги ўринларда махсус комиссиялар деб аталади) томонидан қабул қилинади.

5. Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар таркибига умумтаълим муассасалари раҳбарлари, педагогика кенгаши аъзолари, шунингдек ота-оналар қўмитасининг фаол аъзолари кирадилар.

6. Махсус комиссияларни тегишли равишда умумтаълим муассасалари ва халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари раҳбарлари бошқарадилар.

7. Умумтаълим муассасалари ва халқ таълимини бошқариш ҳудудий органлари ҳузуридаги махсус комиссия тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади.

**II. Ўқитувчилар ва методистларнинг асосий иш ҳақиға устамалар  
белгилаш тартиби**

8. Мактабларнинг ўқитувчилари ва методик кабинетлар методистлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори, ушбу Низомда белгиланган устамаларни ҳисобга олиб, Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

9. Ўқитувчиларнинг тариф ставкасига ҳар ойлик устамалар уларнинг касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган аниқ хиссаси, юқори натижадорлик ва ўқитиш сифати учун, тегишли синфлар ва предметлар учун давлат таълим стандартларида назарда тутилган билимлар ва кўникмалар тўлиқ ҳажмининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишининг ўқувчиларни тест синовларидан ўтказиш натижалари бўйича белгиланадиган даражаси таъминланишига боғлиқ ҳолда тариф ставкасининг 25 фоизигача миқдорда белгиланади.

Устамалар ушбу Низомга иловада назарда тутилган назарда тутилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

10. Ўқитувчилар томонидан амалга ошириладиган ўқувчилар билан тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар учун ҳар ойлик устама ўқитувчи тариф ставкасининг 15 фоизигача миқдорида белгиланади.

Амалга оширилган тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар учун устама тўгарак, спорт-оммавий ишларни фаол ва самарали амалга оширган, ўқувчиларни инсонпарварлик ва меҳр-мурувват руҳида тарбиялаган ўқитувчиларга ушбу Низомга иловада назарда тутилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

11. Методик кабинетларнинг методистларига устама ўқув жараёнида фойдаланиладиган ўқув-методик материалларни ишлаб чиқишга қўшилган шахсий ҳисса, янги педагогика технологияларини жорий этганлик, ўқитувчиларнинг илғор тажрибасини кенг оммалаштирганлик учун тариф ставкасининг 25 фоизигача миқдорида белгиланади.

12. Умумтаълим муассасаларида тузиладиган комиссиялар ўқитувчиларнинг ўтган ўқув йилидаги ишларини баҳолаш натижалари бўйича, уларга ушбу мақсадларга ажратилган маблағлар доирасида ҳар ойлик устамалар белгилайдилар.

13. Халқ таълимини бошқариш органлари ўқитувчилар ёки методистлар фаолияти мониторинги ва ўқувчиларни тест синовидан танлаб ўтказиш асосида тавсия этилган номзодларнинг ва уларга белгиланган устамаларнинг ҳолисоналиги ва асосланганлигини текширадилар.

Ўқитувчилар ва методистлар ишларининг натижадорлигини белгилаш учун улар фаолияти мониторинги тартиботи, ўқувчиларни тест синовидан танлаб ўтказишни амалга ошириш тартиби, ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларни ўзлаштиришини баҳолаш мезонлари Махсус комиссия тўғрисидаги Низомда белгиланади.

14. Олинган натижалар ва махсус комиссия қарорлари асосида тегишли умумтаълим муассасаси ва халқ таълимини бошқариш ҳудудий органининг буйруғи билан ҳар бир мактабнинг ҳар ойлик устамалар олиш ҳуқуқига эга бўлган ўқитувчилари ва методистлар рўйхати устамалар миқдорлари кўрсатилган ҳолда тасдиқланади.

15. Ишларнинг натижадорлиги ва касбий маҳорат учун, ўқитувчининг тарбиявий ва синфдан ташқари ишларни амалга оширганлиги учун ҳамда методистларга таълим жараёнини методик таъминлашни яхшилашга қўшган шахсий ҳиссаси учун устамалар ҳар бир ўқув йили бўйича, ўтган ўқув йилидаги ишларнинг яқунларига кўра белгиланади.

16. Зарур ҳолларда, ўқитувчи ёки методистнинг ўтган ўқув давридаги (чорак, ярим йиллик ва шу кабилар) ишларини текшириш яқунларига биноан махсус комиссия устамаларнинг белгиланган миқдорларини қайта кўриб чиқиши мумкин.

17. Натижадорлик учун устама бошланғич синфлар ўқитувчиларига — синф билан иш олиб боришда муайян кўрсаткичларга эришиш бўйича, предмет ўқитувчиларига эса — ўқитилаётган фанга доир муайян кўрсаткичларга эришиш бўйича белгиланади.

18. Ўқитувчига бир йўла икки хил: касб маҳорати ва натижадорлик учун ҳамда тарбиявий ва синфдан ташқари ишларни амалга оширганлик учун устамалар белгилаши мумкин.

19. Халқ таълимини бошқариш тегишли органи ҳудудий молия органи билан келишган ҳолда, ҳар қайси умумтаълим муассасаси ва халқ таълими ҳудудий органи бўйича устамаларни белгилаш учун маблағлар ҳажмини тасдиқлайди. Бунда касб маҳорати ва натижадорлик, тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар кўрсаткичларини белгилаш бўйича туман, шаҳарнинг барча мактаблари учун ягона ёндашувга риоя қилинади.

20. Такдим этилган маълумотларнинг ҳамда устамаларни белгилашнинг холисоналиги ва тўғрилиги учун махсус комиссиялар раҳбарлари, шунингдек халқ таълими ва вазирлик (идора)нинг тегишли органлари раҳбарлари жавоб берадилар.

21. Рағбатлантирувчи чора-тадбирлар самарадорлигини, энг талантли ўқитувчилар нуфузини ошириш учун туман (шаҳар)нинг энг яхши ўқитувчилари рўйхатлари маҳаллий матбуотда эълон қилиш учун тавсия этилади.

Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига  
ва методика кабинетлари методистларига  
устамалар белгилаш тартиби тўғрисидаги  
вақтинчалик низомга  
ИЛОВА

### **Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига ва методика кабинетлари методистларига устамалар белгилашнинг асосий мезонлари**

1. Касб малакаси ва ўқув жараёнига қўшган аниқ шахсий улуши, ўқитишнинг юқори самараси ва сифати учун умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига устама белгилашда махсус комиссиялар қўйидаги асосий мезонлардан келиб чиқадилар:

ўқувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари умумий ўрта таълим учун белгиланган давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлиги даражаси;

ўқув-тарбия жараёнини ўқувчиларнинг қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш;

ўқув дастурига мувофиқ билимларни ўзлаштириш даражасининг мустаҳкамлигини таъминлайдиган педагогик ишнинг юқори самараси ҳамда тест синови натижалари ва баҳолашнинг рейтинг усуллари бўйича белгиланадиган ўқитишнинг яхши сифати, шунингдек қобилиятли ва иқтидорли ўқувчилар билан яқка тартибда иш олиб боришнинг ташкил этилиши;

ўқитувчи томонидан ўқув жараёнида ўқитишнинг илғор усуллари ва педагогика технологиялари муваффақиятли қўлланилиши, ўқув-тарбия ишларининг замонавий шакллари жорий этилиши.

2. Умумтаълим муассасалари ўқитувчилари томонидан тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар олиб борилганлиги ва ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда улар томонидан қўшилган аниқ шахсий улуш учун уларга устама белгилашда махсус комиссиялар қўйидаги асосий мезонлардан келиб чиқадилар:

ўқувчиларнинг тўғарақлар ва секциялардаги мунтазам машғулотларга ва ижодий фаолиятга жалб этилиши даражаси, ўқувчиларнинг дам олиши ташкил этилиши;

мактаб ўқувчиларида ҳаётий кўникмалар, маънавий ҳамда ирода билан боғлиқ

фазилатлар шакллантирилиши ишларининг самаралилиги ва уларни касбни онгли равишда танлашга тайёрлаш;

касб маҳорати ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича синфдан ташқари машғулотлар ўтказиш савияси;

ўқувчиларнинг ўзлаштиришини оширишга ҳамда ўсиб келаётган авлодни жамиятнинг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ тарбиялашга қаратилган ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ишларни ташкил этиш даражаси ва уларнинг сифати;

ўқувчиларнинг кекса фуқароларни оталиққа олишларини ташкил этиш ишлари.

3. Мактабдаги таълим жараёнининг методик таъминланилишини яхшилашга шахсий улуш қўшганлиги учун методика кабинетларининг методистларига устама белгилашда қуйидаги асосий мезонлар ҳисобга олинади:

ўқув жараёнида фойдаланилаётган ўқув-методик материаллар ва методик тавсияларни ишлаб чиқишда шахсан иштирок этиш;

ўқув-тарбия жараёнига янги педагогика технологияларини жорий этиш;

умумтаълим муассасалари ўқитувчилари ва раҳбарларининг илғор тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш ишларининг самараси;

ўқитувчиларнинг касб маҳоратини оширишга йўналтирилган ишлар, ўз фани бўйича таълим берувчи семинарлар ва мақсадли қисқа муддатли курслар ташкил этиш.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ  
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**325 Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қим-  
матли қоғозлар олди-сотдисиға доир битимларни  
амалға ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
16 июлда 1384-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 26 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан, **буюраман:**

1. Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдисиға доир битишувларни амалға ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори  
фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази  
бош директори М. ЮНУСМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 10 июнь,  
2004-13-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**326 Биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозлар билан операцияларни юритиш Регламентини давлат реестридан чиқариш тўғрисида**

*(2004 йил 16 июлдан давлат реестридан чиқарилди)*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2004 йил 15 июлдаги хулосасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг давлат рўйхатига олиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 14 майда 728-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозлар билан операцияларни юритиш Регламенти ва унга 2000 йил 11 майда 728-1-сон билан киритилган ўзгартириш давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва қўмита ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази мазкур ҳужжат давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Р.М. Каримов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Б.М. Тойжонов) мазкур буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Вазир ўринбосари Х.М. Содиқов зиммасига юклатилсин.

**Вазир А. ПОЛВОН-ЗОДА**

Тошкент ш.,  
2004 йил 16 июль,  
161-мх-сон

«ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ҚАРОРИ

**327** Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларини шакллантириш,  
молиялаштириш ҳамда ажратилган маблағлар мақ-  
садли ва самарали сарфланишини назорат қилиш тартиби  
тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
16 июлда 1385-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 26 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 16 мартдаги ПФ-3407-сонли «Киноматография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 11-сон, 126-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги 126-сонли «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 11-сон, 128-модда) мувофиқ, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларини шакллантириш, молиялаштириш ҳамда ажратилган маблағлар мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг ўн кун муддатдан кейин кучга киради.

**«Ўзбеккино» Миллий агентлиги Бош  
директори М. МУҲАММАД ДЎСТ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 16 июнь,  
18-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 16 июнь,  
85-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

## **328** Диссертация ва авторефератларни расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
16 июлда 1386-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 26 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисида»ги низомга ва Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низом (1996 йил 10 июль, рўйхат рақами 261)га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Диссертация ва авторефератларни расмийлаштириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин;
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси  
Раёсатининг раиси М. МУХИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 24 июнь,  
106/4-сон

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Олий аттестация комиссияси Раёсатининг  
2004 йил 24 июндаги 106/4-сон қарори  
билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **Диссертация ва авторефератларни расмийлаштириш қоидалари**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 сентябрдаги 421-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисида»ги Низом ва Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги Низом (1996 йил 10 июль, рўйхат рақами 261) асосида ишлаб чиқилган.

#### **I. Диссертация ва авторефератлар учун қўйиладиган мезонлар**

1. **Фан доктори** илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация муаллиф ўтказган тадқиқотлар ва у яратган ишланмалар асосида муҳим халқ хўжалиги, ижтимоий-маданий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик илмий муаммо хал

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*



қилинган ёки тегишли фан соҳасининг истиқболли йўналишини ривожлантиришда улкан ютуқ деб баҳолаш мумкин бўлган назарий қоидалар мажмуи ишлаб чиқилган ёхуд жорий этилиши техникани ривожлантиришга катта ҳисса қўшадиган илмий асосланган техникавий, иқтисодий ёки технологик ечимлар ўз ифодасини топган илмий асар бўлиши керак.

2. **Фан номзоди** илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация фаннинг тегишли соҳаси учун катта аҳамиятга молик масала янги хал қилинган ёки муаллифнинг муҳим амалий масалаларни хал этишни таъминловчи илмий жиҳатдан асосланган техникавий, иқтисодий ёки технологик тавсиялари ўз ифодасини топган илмий асар бўлиши керак.

3. Диссертация шахсан ёзилган бўлиши, муаллиф ошкора ҳимоя учун жамоат муҳокамасига тақдим этаётган янги илмий натижалар ва ҳолатларнинг мажмуини ўз ичига олиши, моҳият жиҳатидан ички бирликка эга бўлиши ва муаллифнинг шахсан фанга қўшган ҳиссасини акс эттириши лозим.

4. Амалий аҳамиятга молик диссертацияда аниқ муаммонинг ечими ва муаллиф эришган илмий натижалардан амалиётда фойдаланилганлиги тўғрисида маълумотлар, назарий аҳамиятга молик диссертацияда эса илмий хулосалардан фойдаланишга доир тавсиялар берилиши лозим.

5. Фан доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган илмий маъруза шаклидаги диссертация талабгор томонидан аввал чоп этилган ва ушбу фан соҳасининг мутахассисларига кенг маълум бўлган, фан ва амалиёт учун катта аҳамиятга эга бўлган илмий ва тажрибавий-конструкторлик ишларининг мажмуи асосида тайёрланган, муаллиф ўтказган тадқиқот ва ишланмалар натижаларининг қисқача умумлаштирилган баёнидан иборат бўлади. Илмий ишнинг аҳамияти ҳамда илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани талабгорнинг асосий тадқиқотлари ўтказилган ва ишланмалари бажарилган ташкилот беради.

Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсатни ихтисослашган кенгаш мурожаатномаси асосида Олий аттестация комиссияси (бундан кейин — ОАК) беради.

6. Илмий маъруза шаклидаги диссертация муқова (1-илова) ва матн қисмини ўз ичига олади.

7. «ОАК Бюллетени» журналида диссертациянинг ҳимояси тўғрисида эълон берилганидан сўнг, ихтисослашган кенгашнинг рухсати билан диссертациянинг қўлёзма ҳуқуқидаги автореферати нашр қилинади. Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси автореферат сифатида тарқатилади.

8. Авторефератда диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари баён этилиши, ўтказилган тадқиқотлардаги муаллифнинг қўшган ҳиссаси, тадқиқот натижаларининг янгилик даражаси ва амалий аҳамияти кўрсатилиши шарт.

Докторлик диссертациясининг титул варағи ва автореферат муқовасида фақат битта илмий маслаҳатчи кўрсатилади.

Номзодлик диссертациясининг титул варағи ва автореферат муқовасининг орқа томонида фақат битта илмий раҳбар кўрсатилади. Зарур ҳолларда ОАК рухсати билан номзодлик диссертациясининг титул варағида иккинчи илмий раҳбар ёки илмий маслаҳатчини кўрсатиш мумкин. Ихтисосликлар туташлигида бажарилган номзодлик диссертациялари бундан мустасно.

9. Диссертация ва автореферат ўзбек, рус ёки инглиз тилларидан бирида ёзилиши мумкин. Автореферат охирида ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқача резюме бўлиши тавсия этилади.

Резюмеининг ҳажми докторлик диссертацияси учун бир бетдан ва номзодлик диссертацияси учун ярим бетдан ошмаслиги лозим.

10. Диссертация автореферати босмаҳонада ёки қўпайтириш аппаратларида ихтисослашган кенгаш томонидан белгиланган нусхада босилади.

Диссертацияда йўл қўйилган ноаниқликлар ва хатоларни диссертация ҳимоясидан кейин тузатишга рухсат берилмайди.

## II. Диссертацияни расмийлаштириш қоидалари

11. Диссертация иши кириш қисми, камида учта бўлим, асосий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

Титул варағи ОАК томонидан тасдиқланган намуна (2-илова) бўйича расмийлаштирилади.

Диссертация номи аниқ ва қисқа бўлиши тавсия этилади.

12. Диссертация ишининг мавзуси илмий кенгаш томонидан тасдиқланганидан сўнг «ОАК Бюллети» журналида нашр қилиниши шарт.

13. Диссертация давомида ҳар бир параметрнинг ўлчами ҳамма вақт бир хил бўлиши зарур.

14. Кириш (сўзбоши) диссертация иши давомида нималар келиши ҳақидаги ўқувчининг тушунчасини енгиллаштириши лозим. Шунинг учун бу ўринда илмий тадқиқотнинг объекти аниқ ва лўнда ёритиб берилиши, мазкур тадқиқотни ўтказишнинг долзарблигини асослаб бериш керак.

Диссертация иши янгилиги билан ажралиб туриши керак. Шунинг учун сўзбошида қисқа аннотация кўринишида муаммонинг ечилишида (номзодлик диссертацияси учун) ёки фан соҳасида (докторлик диссертацияси учун) муаллиф томонидан қилинган янгилик баён этилган бўлиши керак. Сўзбошини муаллиф ҳимояга олиб чиқаётган асосий ҳолатларни санаб ўтиш билан тугатиши лозим.

15. Диссертациянинг бўлимлари учтадан кам бўлмаслиги керак. Бўлимларда ишнинг асосий мазмуни баён этилади. Диссертациянинг биринчи бўлимида талабгор ўрганилаётган масаланинг бугунги ҳолатига қисқа баҳо (номзодлик ишлари учун) ва фан соҳасининг ҳолатига тасниф (докторлик диссертациялари учун) бериб ўтиши керак. Бу баҳо ва тасниф диссертациянинг кириш қисмида ҳам берилиши мумкин.

16. Талабгор ҳар қандай илмий ишга қўйиладиган қўйидаги талабларни бажариши лозим:

а) материални баён қилишда ўқувчига диссертация бўлимларининг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги, бўлимлар ичида қисмлар ва бандлар алоқадорлиги ҳақида аниқ тушунча бера оладиган мантиқий изчиллик;

б) маълумотларнинг ишончлилиги;

в) баён қилинган фикрнинг аниқ ва қисқа бўлиши;

г) тадқиқотнинг ҳар бир бўлимидаги айрим масалаларни ечишда натижаларни аниқ баён қилиш.

Сўнгги талабни бажариш учун талабгор, одатда, диссертация бўлимларининг охирида қисм тарзида бўлим бўйича хулосалар бериши керак.

17. Хулоса бутун диссертация тадқиқоти бўйича қисқа умумлаштирилган натижалардан иборат бўлиши керак.

18. Диссертация юзасидан фойдаланилган адабиётлар 3-иловага мувофиқ тарзда расмийлаштирилиши тавсия этилади.

19. Диссертация мавзуси бўйича асосан сўнги 10-15 йил ичида нашр қилинган адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади.

20. Иловалар диссертациянинг асосий матни билан бирга битта китобга жамланган бўлиши ёки алоҳида китоб ҳолида чиқарилган бўлиши мумкин. Иловаларга диссертация матнини тўлдирувчи ва тасвирловчи турли ёрдамчи материаллар киритилади:

- а) орилиқ математик исботлар, формулалар, ҳисоб-китоблар;
- б) статистик маълумотлар ва уларни қайта ишлаш методлари;
- в) аниқ тажрибалар натижалари;
- г) дастлабки материаллар;
- д) ёрдамчи номограммалар ва жадваллар;
- е) тажрибаларда, ўлчаш ва синовларда қўлланилган аппаратлар ва ускуналар таърифи;
- ж) диссертация тадқиқоти жараёнида ишлаб чиқилган ЭХМда ечилган масалалар ёрдамчи алгоритмлари ва дастурлари, методлари;
- з) ёрдамчи характердаги иллюстрациялар (тасвирлар);
- и) мукамал изоҳлар;
- к) диссертация ишининг натижаларини татбиқ этиш бўйича далолатномалар ва бошқалар.

Иловалар кетма-кетлиги тартиби диссертацияда уларга мурожаат қилиш тартибига мос келиши ва фойдаланиш қулайлигини таъминлаши керак.

21. Диссертация матнини компьютерда WORDнинг 14 шрифтида 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзиш тавсия этилади.

Докторлик диссертациясининг матни 250 бетдан, номзодлик диссертацияси эса 120 бетдан ошмаслиги керак. Ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасидаги диссертация ҳажми кўпи билан 30 фоизга оширилиши мумкин. Иловалар кўрсатилган ҳажмга кирмайди.

22. Диссертация бетларининг чап томони 30 мм, юқори томони 25 мм, ўнг томони 15 мм, қуйи томони 25 мм бўлиши тавсия этилади. Матндаги формулалар пухта ва аниқ ёзилган бўлиши шарт. Катта ва кичик ҳарфлар, юқори ва пастки индекслари формулада аниқ берилиши керак. Формула учун белгиларнинг ўлчами қуйидагича белгиланади: катта ҳарфлар ва рақамлар 5-6 мм, кичик ҳарфлар 3 мм, даража кўрсаткичлари ва индекслари 2 мм дан кам бўлмаслиги тавсия этилади.

23. Диссертация матни ва иловадаги жадваллар, чизмалар, схемалар, диаграммалар, графиклар, фотосуратлар ўлчами А4 форматли стандарт варақда бажарилиши керак ёки стандарт ўлчамдаги оқ қоғозга ёпиштирилган бўлиши тавсия этилади. Фото ва расмларга изоҳлар ҳамда ёзувлар ўқиш учун қулай ҳолда жойлаштирилиши зарур.

Диссертацияда тузатишларга рухсат этилмайди.

24. Диссертациянинг барча бетлари титул бетидан охириги бетгача тартиб билан рақамланади. Биринчи бет титул варағи ҳисобланиб, унга рақам қўйилмайди, кейинги бетга «2» рақами қўйилади ва хоказо. Тартиб рақами бетнинг юқори томонининг ўртасига қўйилади. Талабгор томонидан диссертациянинг ҳар бир нусхаси титул варағига имзо чекилади.

25. Бўлимларнинг номланиши бош ҳарфлар билан ёзилади. Бўлим ичидаги номланишлар хатбошидан кичик ҳарфлар билан ёзилади. Сарлавҳаларни ёзишда бўғин кўчиришга рухсат берилмайди. Сарлавҳа охирида нуқта қўйилмайди. Сарлавҳа ва матн ораси 3-4 интервал бўлиши тавсия этилади. Сарлавҳани тагига чизиб ёзишга рухсат этилмайди. Диссертациянинг ҳар бир бўлими янги бетдан бошланади.

26. Диссертация бўлимлари бутун диссертация бўйича араб рақамлари билан

белгиланиб, рақамдан сўнг нуқта қўйилади. Кириш ва хулоса қисмлари рақамланмайди. Бўлим ичида параграфлар араб рақамлари билан белгиланади. Параграф рақами нуқта билан ажратилган бўлим ва параграф рақамидан иборат бўлади. Параграф рақами охирида нуқта қўйилади, масалан, «2.3.».

Ҳар бир параграф ичида бандлар араб рақамлари билан белгиланади. Банд рақами нуқталар билан ажратилган бўлим, параграф ва банд рақамидан иборат бўлади. Рақам охирида нуқта қўйилади, масалан, «1.1.2.».

27. Иллюстрация (сурат)лар кўриш учун қулай тарзда жойлаштирилиши керак. Агар диссертацияни буриш лозим бўлса, уни соат стрелкаси бўйлаб буриш керак. Барча сурат (график, чизма, диаграмма, фотосурат)лар «расм» сўзи ва бўлим бўйича кетма-кет араб рақамлари билан белгиланади. Иловаларда келтирилган суратлар бундан мустасно. Сурат рақами бўлим ва сурат рақамидан иборат бўлиб, нуқта билан ажратилади, масалан «1.2-расм» ва изоҳ берувчи ёзувдан пастга ёзилади.

28. Рақамли материаллар жадвал кўринишида расмийлаштирилиши лозим. Жадвални расмийлаштириш намунаси 4-иловада кўрсатилган.

Ҳар бир жадвал сарлавҳага эга бўлиши керак. Сарлавҳа бош ҳарф билан бошланади. Сарлавҳанинг остига чизилмайди.

Жадвал графаларининг сарлавҳалари бош ҳарфлар билан, сарлавҳачалари эса, агар улар сарлавҳа билан битта гапни ташкил этса, кичик ҳарфлар билан, агар улар мустақил бўлса, катта ҳарфлар билан бошланиши керак. Жадвал бош қисмини диагональ бўйича бўлиш мумкин эмас. Сатрлар баландлиги 8 мм дан кам бўлмаслиги тавсия этилади.

Кўплаб графаларга эга бўлган жадвални қисмларга бўлиш ва бир қисмни иккинчи қисмдан кейин жойлаштиришга рухсат этилади.

Бўлимлар доирасидаги жадваллар изчил, кетма-кет араб рақамлари билан белгиланади. Жадвал рақами бўлим рақами билан жадвалнинг тартиб рақамидан ташкил топади ва улар ўзаро нуқта билан ажратилади. Масалан: «1.2-жадвал».

Агар диссертацияда битта жадвал бўлса, у рақамланмайди ва «жадвал» сўзи ёзилмайди.

Жадвалнинг бирор қисми бошқа бетга ўтганда, «жадвал» сўзи ва унинг тартиб рақами бир марта жадвалнинг биринчи қисми устида кўрсатилиб, қолган қисмлар устига «давоми» деган сўз ёзилади.

29. Символларнинг маънолари бевосита формула остида уларнинг формуладаги кетма-кетлиги бўйича берилади. Ҳар бир символнинг маъносини янги қатордан бериш лозим.

Тенглама ва формулалар матндан алоҳида бўш қаторлар билан ажратиб ёзилади. Ҳар бир формуланинг юқори ва пастки томонларида камида бир сатрдан жой қолдириш тавсия этилади. Агар тенглама битта қаторга сифмаса, сифмаган қисм тенглик белгиси (=)дан ёки қўшиш (+), айириш (-), кўпайтириш (x), бўлиш (:) белгиларидан кейин кўчирилиши керак.

Диссертациядаги формулалар (агар улар биттадан кўп бўлса) бўлим доирасида араб рақамлари билан белгиланади. Формула рақами бўлим рақами ва формуланинг бўлимдаги тартиб рақамидан ташкил топиб, ўзаро нуқта билан ажратилади. Бу нарса бетнинг ўнг томонида формула билан бир қаторда қавслар билан кўрсатилади (5-илова).

30. Матндаги манбаларга ҳаволаларни сатр ости эслатмаларида келтириш ёки манбанинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» бўйича тартиб рақамини квадрат қавсларда кўрсатиш лозим.

Иллюстрацияларга қилинган ҳаволалар суратнинг тартиб рақами билан кўрсатилади, масалан, «1.2-расм». формулаларга қилинган ҳаволалар формуланинг қавс

ичидаги тартиб рақами билан кўрсатилади, масалан, «(2.2) формулада». Матнда барча жадвалларга ҳавола берилиши керак.

31. Ҳар бир илова янги бетнинг ўнг юқори бурчагида «Илова» сўзи билан бошланади. Агар диссертацияда биттадан кўп илова бўлса, улар кетма-кет араб рақамлари билан белгиланади. Масалан, «1-илова», «2-илова» ва ҳ.

Иловаларни алоҳида расмийлаштирганда, титул варағида диссертация мавзусининг номи остида катта ҳарфлар билан «ИЛОВАЛАР» сўзи ёзилади.

### III. Диссертация авторефератини расмийлаштириш қоидалари

32. Диссертация бўйича қўлёзма ҳуқуқидаги автореферат чоп этилиши ва кўпайтирилиши керак. Авторефератни WORDнинг 14 шрифтида 1 интервалда ёзиш тавсия этилади.

Докторлик диссертацияси бўйича диссертациянинг қўлёзма ҳуқуқидаги автореферати ҳажми 32 бетдан, номзодлик диссертацияси бўйича эса 16 бетдан ошмаслиги тавсия этилади. Ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасидаги диссертация авторефератининг ҳажми кўпи билан 30 фоизга оширилиши мумкин.

Диссертация автореферати белгиланган шаклдаги муқова (6-илова) ҳамда матн қисмидан иборат. Автореферат муқоваси, автореферат охирида бериладиган эълон қилинган ишлар рўйхати, резюме ва иллюстрациялар умумий ҳажмга кирмайди.

33. Автореферат матни қуйидаги бўлимларга бўлинади:

**1. Диссертациянинг умумий тавсифи.** Ушбу бўлим қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

- а) Мавзунинг долзарблиги;
- б) Муаммонинг ўрганилганлик даражаси;
- в) Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги;
- г) Тадқиқот мақсади;
- д) Тадқиқот вазифалари;
- е) Илмий янгилиги;
- ж) Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти;
- з) Натижаларнинг жорий қилиниши;
- и) Ишнинг синовдан ўтиши;
- к) Натижаларнинг эълон қилинганлиги;
- л) Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.

**2. Диссертациянинг асосий мазмуни.** Ушбу бўлимда бажарилган тадқиқотнинг қисқача тавсифи баён қилиниши керак.

**3. Хулоса.** Ушбу бўлим асосий хулосаларни ҳамда тавсияларни қамраб олиши керак.

**4. Эълон қилинган ишлар рўйхати.** Бунда муаллифнинг фақат диссертация мавзуси бўйича эълон қилинган ишларининг рўйхати бериледи.

**5. Резюме** қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таянч (энг муҳим) сўзлар;
- тадқиқот объектлари;
- ишнинг мақсади;
- тадқиқот усули;
- олинган натижалар ва уларнинг янгилиги;
- амалий аҳамияти;
- татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги;
- қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси.

Резюме ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши керак. Резюме намунаси 7-иловада келтирилган.

1-ИЛОВА

### Илмий маъруза шаклидаги диссертация муқоваси

Диссертация бажарилган ташкилот номи

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК

Фамилияси, исми, ота исми

Илмий маъруза шаклидаги диссертациянинг номи

Ихтисослик шифри ва номи  
(олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар  
ихтисосликларининг рўйхати бўйича берилди)  
\_\_\_\_\_ фанлари доктори (номзоди)  
илмий даражасини олиш учун  
илмий маъруза шаклидаги диссертация

Шаҳар — йил

### Илмий маъруза шаклидаги диссертация муқовасининг орқа томони

расмий оппонентлар: \_\_\_\_\_

*илмий даражаси, илмий унвони, фамилияси, исми, ота исми*

\_\_\_\_\_ *илмий даражаси, илмий унвони, фамилияси, исми, ота исми*

\_\_\_\_\_ *илмий даражаси, илмий унвони, фамилияси, исми, ота исми*

етакчи ташкилот \_\_\_\_\_

*номи*

ҲИМОЯ \_\_\_\_\_

*ихтисослашган кенгаш тузилган ташкилот номи,*

\_\_\_\_\_ *манзилгоҳи* хузуридаги \_\_\_\_\_ *кенгаш шифри* рақамли кенгашнинг

\_\_\_\_\_ *куни, вақти* да ўтадиган мажлисида бўлади.

илмий маъруза билан \_\_\_\_\_

*ихтисослашган кенгаш тузилган ташкилот номи*

кутубхонасида танишиш мумкин.

илмий маъруза шаклидаги диссертация \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

*сана*

Ихтисослашган кенгаш

илмий котиби \_\_\_\_\_

*исми, ота исмининг бош ҳарфлари ва фамилияси*

2-ИЛОВА

**Диссертациянинг титул варағи**

Диссертация бажарилган ташкилотнинг номи

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК

Фамилияси, исми, ота исми

Диссертация номи

Ихтисослик шифри ва номи  
(олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар  
ихтисосликларининг рўйхати бўйича берилди)\_\_\_\_\_ фанлари доктори (номзоди)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияилмий раҳбар  
(маслаҳатчи)

Шаҳар — йил

3-ИЛОВА

**Фойдаланилган адабиётларнинг ёзилиш намуналари****I. Китоб ва туркум нашрлари.**

1.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами.

*а) бир муаллифнинг:* Марчук Г.И. Ҳисоблаш математикасининг усуллари. — Новосибирск: Наука. 1983. — 196 б.*б) бутун манбага ҳавола:* Годунов С.К., Рябенский В.С. Разностные схемы (введение в теорию). Учеб. пособие для ВУЗов. — М.: Наука, 1992. — 399 б.*в) икки муаллифнинг:* Годунов С.К., Рябенский В.С. Введение в теорию разностных схем. — М.: Физматгиз, 1982. — 168 б.*г) уч муаллифнинг:* Кошляков Н.С., Глинер Э.Б., Смирнов М.М. Математик физиканинг дифференциал тенгламалари. — М.: Физматгиз, 1962. — 67 б.*д) тўрт муаллифнинг:* Естественные составляющие метеорологических полей / Мещерская А.В., Руховец Л.В., Юдин М.И., Яковлева Н.И. — Л.: Гидрометеоиздат, 1970. — 199 б.*е) муаллифлар жамоаси учун:* Планирование, организация и управление транспортным строительством / А.М. Коротеев, Т.А. Беляев ва б.; А.М. Коротеев таҳрири остида — М.: Транспорт, 1989. — 286 б.

1.2. Кўп томлик китоблар

*а) бутун манбага ҳавола:* Флетчер К. Вычислительные методы в динамике жидкостей. В 2-х т. — М.: Мир, 1991. — 504 б.



б) *алоҳида томнинг тавсифи*: Седов Л.И. Механика сплошной среды. В 2-х т. — М.: Наука, 1983. Т.1. Б. 114—125.

**2. Диссертация ва диссертация автореферати.**

2.1. Кузнецов Ю.И. Построение информативного базиса в задачах общей циркуляции атмосферы: Дис... канд. физ.—мат. наук. — Новосибирск: ВЦ СО РАН, 1997. — 134 б.

2.2. Фролов В.В. Теоретические проблемы правового регулирования специальных экономических зон: Автореф. дис... канд. юр. наук — М.: МГУ, 1997. — 22 б.

**3. Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар.**

3.1. Бахвалов Н.С. К оптимизации методов решения краевых задач при наличии пограничного слоя // Ж. вычисл. матем. и матем. физ. — 1969. — № 4 (9). — Б. 841—859.

**4. Илмий ишлар тўпламларига ҳаволалар.**

4.1. Интеллектуальное общение с ЭВМ: Сб. науч. тр. ТашГУ. — Ташкент, 1986. — 270 б.

**5. Симпозиум ва конференция ишларига ҳаволалар.**

5.1. Петров С.М. Влияние конечной скорости распространения поперечной волны на динамическое поведение высокого сооружения //IV Российская конф. по сейсмостойкому строительству: Тез. докл. — М., 2001. 55 б.

5.2. Иванов П.К. Алгоритм исследования колебаний осесимметричных сооружений с динамическими гасителями //Перспективные информационные технологии: Тез. докл. респ. науч. конф. 21-22 мая 2002. — Ташкент, 2002. 132-133 б.

**6. Депоментлаштирилган илмий ишларга ҳаволалар.**


6.1. Соатов У.А. Необходимое и достаточное условие существования решения частично интегрального уравнения с вырожденными ядрами. — Т.: 1997. 29 б. — Деп. в ГФНТИ ГКНТ РУз 01.10.97. № 2677-97.



4-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ -жадвал  
рақам

жадвал номи (сарлавҳа)



5-ИЛОВА

Мисол:

$$u_{yy} - |y|^m \cdot u_{xx} + a_1(x,y)u_x + b_1(x,y)u_y + c_1(x,y)u \quad \kappa$$

$$\kappa \lambda \xi^{11} F_0 \xi \quad \left[ \begin{array}{c} a, b \\ \xi^{12} u(\xi, 0) \\ c, \xi \end{array} \right] + d_1(x, y) \quad (3.1)$$

6-ИЛОВА

**Автореферат муқоваси**

Диссертацияни ҳимояга қабул қилиб олган  
ихтисослашган кенгаш тузилган ташкилот номи

*Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК*

Фамилияси, исми, ота исми

Д и с с е р т а ц и я   н о м и

Ихтисослик шифри ва номи  
(олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар  
ихтисосликларининг рўйхати бўйича берилади)

\_\_\_\_\_ фанлари доктори (номзоди)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Шаҳар - йил

**Автореферат муқовасининг орқа томони**

иш \_\_\_\_\_ да бажарилган

*ташкилот номи*

илмий раҳбар (маслаҳатчи) \_\_\_\_\_

*илмий даражаси, илмий унвони,*

*фамилияси, исми, ота исми*

расмий оппонентлар: \_\_\_\_\_

*илмий даражаси, илмий унвони, фамилияси, исми, ота исми*

*илмий даражаси, илмий унвони, фамилияси, исми, ота исми*

*илмий даражаси, илмий унвони, фамилияси, исми, ота исми*

етакчи ташкилот \_\_\_\_\_

*номи*

ҳимоя \_\_\_\_\_

*ихтисослашган кенгаш тузилган ташкилот номи,*

\_\_\_\_\_ ҳузуридаги \_\_\_\_\_

*манзилгоҳи*

*кенгаш шифри*

рақамли кенгашнинг

\_\_\_\_\_ да ўтадиган мажлисида бўлади.

*куни, вақти*

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

диссертация билан \_\_\_\_\_

*ихтисослашган кенгаш тузилган ташкилот номи*

кутубхонасида танишиш мумкин.

автореферат \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

*сана*

Ихтисослашган кенгаш

илмий котиби \_\_\_\_\_

*исми, ота исмининг бош ҳарфлари ва фамилияси*

7-ИЛОВА

## РЕЗЮМЕ

диссертации \_\_\_\_\_ на тему

*Ф.И.О*

« \_\_\_\_\_ »

*тема*

на соискание ученой степени доктора (кандидата) \_\_\_\_\_ наук  
по специальности \_\_\_\_\_

**Ключевые слова:**

**Объекты исследования:**

**Цель работы:**

**Метод исследования:**

**Полученные результаты и их новизна:**

**Практическая значимость:**

**Степень внедрения и экономическая эффективность:**

**Область применения:**

\_\_\_\_\_ фанлари доктори (номзоди) илмий даражасига талабгор

\_\_\_\_\_ ихтисослиги бўйича

*Ф.И.О*

« \_\_\_\_\_ »

*мавзу*

мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:**

**Тадқиқот объектлари:**

**Ишнинг мақсади:**

**Тадқиқот усули:**

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:**

**Амалий аҳамияти:**

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:**

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:**

## R E S U M E

Thesis of \_\_\_\_\_

*N. Family Name*on the academic degree competition of the doctor of sciences  
(philosophy) \_\_\_\_\_, speciality \_\_\_\_\_ subject:

« \_\_\_\_\_ »

*subject***Key words:****Subjects of the inquiry:****Aim of the inquiry:****Method of inquiry:****The results achieved and their novelty:****Practical value:****Degree of embed and economical effectivity:****Sphere of usage:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 10 июлдан 16 июлгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 10 июндаги 2004-13-сонли буйруғи.*

*2004 йил 16 июлда 1384-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 июлдан кучга киради).*

2. «Йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларини шакллантириш, молиялаштириш ҳамда ажратилган маблағлар мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 16 июндаги 18, 85-сонли қарори.*

*2004 йил 16 июлда 1385-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 июлдан кучга киради).*

3. «Диссертация ва авторефератларни расмийлаштириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2004 йил 24 июндаги 106/4-сон қарори.*

*2004 йил 16 июлда 1386-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 июлдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозлар билан операцияларни юриш регламенти. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган (1999 йил 14 май, рўйхат рақами 728).*

*Адлия вазирининг 2004 йил 16 июлдаги 161-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

